ЛЕНИН ҲАМИША ҚАЛБИМИЗДА

ЛЕНИН ВСЕГДА В НАШИХ СЕРДЦАХ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 211 (13.167).
9 СЕНТЯБРЬ 1965 йил
ПАЙШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

За нашу Советскую Родину!

ФРУНЗЕВЕЦ

ЕЖЕДНЕВНАЯ ГАЗЕТА ТУРКЕСТАНСКОГО ВОЕННОГО ОКРУГА

ҚЎШМА СОН

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Миллий байрам — Болгарияда социалистик революциянинг 21 йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев, А. И. Микоян, А. Н. Косигин ўртоқлар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, бутун совет халқи номидан Болгария Компартияси Марказий Комитетига, Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлиси президиумига, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советига, қардош болгар халқига ғоят қизғин табриклар ва энг яхши тилаклар йўллашди.

□ □

Л. И. Брежнев, А. И. Микоян, А. Н. Косигин ўртоқлар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва бутун совет халқи номидан Корея Халқ Демократик Республикасининг раҳбарлари Ким Ир Сен ва Цой Ен Ген ўртоқларга мактуб юборди, Корея Халқ Демократик Республикаси тузилган куннинг 17 йиллиги муносабати билан Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетини, Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ мажлиси Президиумини, Министрлар кабинетини ва корейс халқини қизғин табриклаган ва уларга қардошлик саломи йўлладилар. (ТАСС).

«ГУЛЛАР ВОДИЙСИНИНГ ҚУЙЛАРИ»

«Гуллар водийсининг қуйлари» музикали фестивалини ўтказувчи ташкилот комитетининг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов раислигида мажлиси бўлиб ўтди.

Мамлакатимиздаги шарқ халқлари қуйларининг фестивали республикада 20 сентябрдан 30 сентябргача ўтказилади. Мажлисда фестивали ўтказиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди, қардош республикалар халқларининг ана шу улкан санъат байрами қатнашчилари ва меҳмонларини қабул қилиш масалалари ҳал қилинди. (ЎзТАГ).

ЭЪТИҚОДЛИ КУРАШЧИЛАР

Социалистик ижтимоий тузум ёшларнинг ижодий фаолияти учун, уларнинг билим олиб, меҳнат қилиши учун кенг имкониятлар яратди, йигитлар, қизларнинг ғайрати, ташаббуси, ижодкорлиги булоқдек жўш уриши учун, коммунизмнинг ҳар бир ёш қурувчиси ўз билимини, истеъдодини, қобилиятини улуғ ишга тўла бағишлаши учун ҳамма шароитларни яратиб берди. «Партия, — дейилади КПСС Программасида, — ёшларни совет халқининг коммунизм учун курашида яратувчи ижодкор куч деб билади».

Халқимиз ёшларнинг ажойиб ишлари билан ҳақли суратда фахрланади. Йигит ва қизларнинг мутлақ кўпчилиги билимдон, ғоявий чиниққан, юксак маънавий фазилатларга эга, ҳаётга тўғри қарайдиган оташи жангчи, социалистик Ватан бахт-саодати учун улуғ ишларга ҳамиша тайёр кишилардир.

Шонли совет ёшлари инсониятнинг порлоқ келажаги тантанаси учун илҳом билан, завқ-шавқ билан меҳнат қилмоқдалар. Улар кўпгина яхши ташаббусларнинг байроқдорлари сифатида майдонга чиқмоқдалар, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ишига улкан ҳисса қўшаётирлар. Кўп миллатли Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари билан биргаликда ёш ватанпарварлар етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун астойдил курашмоқдаларки, уларнинг ғайрати таҳсинга сазовордир.

Ўзбекистон ёшлари ҳам коммунизм қуриш учун ёш курашчилар сафидан муносиб жой олган. Улар ўзларининг жамият олдидаги бурчларини чуқур ҳис қилиб, корхона ва қурилишларда, шахта ва тоғларда, колхоз ва совхозларда, давлат ва илмий муассасаларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Республика йигит-қизлари янги ерларни ўзлаштиришда, йирик саноат иншоотларини барпо этишда, қудратли газ дарёсини ўтказишда фаол қатнашмоқдалар. Ёшлар ўртасида коммунистик меҳнат ҳаракати борган сари кенг қулоч ёзмоқда. Ҳозир бу ҳаракатда 600 мингдан ортиқ киши қатнашаётир. 116 мингдан ортиқ ёш ватанпарвар коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга ҳозирнинг ўзидаёқ сазовор бўлди. Қўрик ердаги совхоз пахтакори Қувондиқ Абдураззоқов, «Узбексельмаш» заводининг токари Полвон Султонов, теримчи Умри Маматқулова ва шунга ўхшаш меҳнатсеварларнинг номи республикадан узоқларда ҳам маълумдир.

Ватанимиз жанубий чегараларида ҳушёр посбон бўлиб турган туркистонлик жангчиларнинг кўпчилиги ҳам ўз бурчларини ҳалол виждонан ўтамоқдалар. Булар орасида аълочилар, классли мутахассислар, разрядли спортчилар анчагина бор. Улардан энг яхшилари офицерлар Белоусенко, Колесов, Сухаревский ва бошқа ўртоқлар ҳукуматнинг юксак мукофотига сазовор бўлдилар.

Келажак — ёшларники. Улар коммунизмни қуриб, коммунизм даврида яшайдилар. Агар йигит-қизлар юксак ғоявийлик ва партия, халқ манфаатларига чексиз садоқат руҳида тарбия топса, агар улар буржуача қараш ва буржуа ахлоқидан халос бўлишса, агар улар коммунизм қуриш йўлида астойдил ўқишса, шу тақдирдагина коммунизм қурувчиси бўлишдек олижаноб вазифани шараф билан бажара оладилар.

Шунинг учун ҳам ёшларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, ғоявий жиҳатдан чиниқтириш, уларнинг дунёқарашини шакллантириш партия ва комсомол ташкилотларимизнинг ҳамиша диққат марказида бўлсин.

Империалистик реакция кучлари билан демократия ва социализм кучлари ўртасидаги кураш тобора ўткирлашиб келаётган ҳозирги шароитда ёш совет гражданини ғоявий чиниқтириш айниқса муҳим аҳамият касб этади. Империалистлар сиёсатдан унча яхши хабардор бўлмаган, мустаҳкам эътиқоди бўлмаган кишилар шу жумладан ёшлар ўртасида шубҳа, тушкунлик заҳрини тарқатишга уринадилар. Буларнинг ҳаммаси бизга ёт бўлган қарашларга қарши астойдил ҳужум қилишни, империалистлар ғоявий диверсиясини ҳар тарафлама кескин фош этишни талаб қилади. Нигелизмнинг ҳар қандай турдаги кўринишларига, совет халқи эришган муваффақиятларни ерга уришга бўлган уринишларга қарши курашар эканмиз, биз коммунизм идеалларини яққол кўрсатиб беришимиз, ёшларни илҳомлантиришимиз, уларни Ленин партияси ишига чексиз садоқат руҳида, коммунизм тантанаси учун фаол ва фидокорона, садоқат билан кураш руҳида тарбияламоғимиз керак.

Улуғ Ленин ёшларга коммунизм қуришни ўргатишни бизга васият қилган эди. **«Ҳозирги замон ёшларини тарбиялаш, ўқитиш ва уларга таълим бериш ишларининг ҳаммаси,** — деган эди Владимир Ильич, — **уларни коммунистик ахлоқлик қилиб тарбиялашдан иборат бўлсин».** Шунинг учун партия ва комсомол ташкилотларининг бутун амалий фаолияти, ёшларни тарбиялашни бутун иши бир ягона мақсадга: коммунизм учун эътиқодли курашчиларни тарбиялашга, уларда марксизм-ленинизмга асосланган илмий дунёқарашни шакллантиришга бўйсундирилмоғи лозим.

Илмий хулосаларни қорилардек ёдлаб олган, қироат қиладиган кишилар эмас, балки жамият тараққиёти қонунларини чуқур ўзлаштириб, ўзида дунёқарашни ҳосил қилган кишигина коммунизм учун чинакам курашчи бўла олади. Ўзи танлаган йўлнинг ҳаққонийлигига ишонч, мустаҳкам ғоявий эътиқод, ғалабамизга астойдил ишонч кишини ҳар қандай қийинчиликларни енгишга илҳомлантиради, Советлар мамлакатининг экономикаси ва маданиятини янада юксалтиришда астойдил курашга қанотлантиради.

Навқирон авлодни совет воқелиги тарбиялайди. Лекин тарбиянинг негизи, инсон тарбиясининг негизи — меҳнатдадир. Меҳнат тарбияси синфий чиниқишнинг энг қудратли воситаси, маънавий фазилатлар ҳосил қилишнинг маънавий воситасидир. Йигит-қизлар коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда бевосита қатнашиб, олға қилинадиган ҳаракатдаги қийинчиликларни енгиш учун кураша бориб меҳнат, ҳаёт мактабидан ўтадилар, инқилобий идеаллар, коллективизм, Ленин партияси ишига садоқат руҳида камол топадилар.

Ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда революцион, меҳнат ва жанговар анъаналарни моҳирлик билан тарғиб қилиш ҳам муҳим роль ўйнайди. Ленин партияси халқ озодлиги ва бахт-саодати учун олиб борилган шонли кураш ва ғалаба йўлини, социализм ва коммунизм тантанаси учун кураш йўлини яхши билиш йигит-қизларда ўз социалистик ватанлари учун, даврининг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждонининг тимсоли дэно Коммунистик партия учун отаётган меҳр-муҳаббат, ифтихор ҳиссини кучайтиради.

Ёшларимиз мамлакатимиз тарихини яхши билишлари, социализм ғалабасини ва коммунистик қурилишга ўтишни таъминлаган халқимизнинг қаҳрамонликлари билан фахрланишлари, Октябрь революцияси ғалабаси учун, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши йилларида социалистик ватаннинг озодлиги, мустақиллиги учун жон фидо қилган йигит-қизларнинг шонли хотирасини ҳамиша эсда тутишлари керак. Ватанни революцион, жанговар ва меҳнат қаҳрамонликлари билан шоншавкатини оширган совет кишиларининг ҳаёти ва фаолияти навқирон авлодга намуна бўлиб хизмат кўрсатиши, ёшлар уларга ҳавас билан боқишлари, тақлид қилишлари керак.

Партия, комсомол ташкилотларининг бурчи ёшларни юртимизнинг отаётган ватанпарварлари қилиб, Октябрнинг буюк ғалабаларини ҳимоя қилишга тайёр туриш руҳида тарбиялашдан иборатдир. Социализмнинг капитализм билан кураши ғоят кескинлашган ҳозирги шароитда йигит-қизларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш айниқса муҳимдир. Ёшларнинг Совет Армияси жангчилари билан алоқасини ҳар тарафлама мустаҳкамлаётган, уруш қаҳрамонлари билан, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари билан ёшларнинг учрашувини уюштираётган раҳбарлар тўғри иш қилмоқдалар.

Бу хилдаги ва шунга ўхшаш тадбирлар ёшларда шонли меҳнатга меҳр-муҳаббат, она-Ватанга садоқат руҳини кучайтиради.

Ёшларимизни тарбиялар эканмиз, уларни пролетар интернационализми, кўп миллатли мамлакатимиздаги барча халқларни чуқур ҳурмат қилиш, жаҳондаги барча меҳнат аҳли билан ҳамкорлик руҳида, империализмга қарши, миллий мустақиллик, тинчлик, демократия, социализм учун курашаётган халқларга нисбатан ўз интернационал бурчини бажаришга тайёр туриш руҳида тарбиялашни унутмаслик лозим.

Ленин таълимоти — жанговар, ижодий таълимот. Киши бу таълимотни эгаллар экан, ўзининг энг олий мақсадини ва унга эришиш йўлларини равшанроқ кўради, революцион кураш ва ғалаба қонуниятини яхшироқ тушунади. Шунинг учун ҳам коммунизмнинг ҳар бир ёш қурувчиси Владимир Ильич асарларини чуқур ўрганиши, коммунизмни сабот билан астойдил ўрганиши керак.

Партия ва комсомол ташкилотларининг бурчи марксизм-ленинизмни эгаллашда ёшларимизга кўмаклашишдан, ҳар бир ёш гражданни сиёсий жиҳатдан етук қилиб тарбиялашдан, уларга партиявий принципиалликни, коммунистик ғояларни, ўз ишонч эътиқодларини астойдил ҳимоя қилиб қолишни, олға ҳаракатимизда ғов бўлиб турган нарсаларга муросасиз бўлишни ўргатишдан иборатдир.

БЎКАЛИКЛАР МАШИНАДА ПАХТА ТЕРА БОШЛАДИЛАР

Бўка районининг меҳнаткашлари машинада пахта теришга киришдилар. Тимирязев номли, «Ленинизм», Свердлов номли ва бошқа колхозларнинг далаларига 45 терим агрегати чиқди. Механик-ҳайдовчилардан Сотиболди Исроилов, Қурбон Касиев ва Турғунали Алимбеков машина бункеридан дастлабки тонна пахтани тўқдилар. Улар «Партия XIX съезди» колхозидаги механизациялашган звеноларга раҳбарлик қиладилар.

Яқин кунларда Бўка районининг пахта далаларига минглаб машиналар чиқади. Бўка механизаторлари 30 иш кунида 36 минг тонна пахтани, яъни ҳосилнинг 60 процентини йиғиштириб олиш ва тележкаларга тўкишга қарор қилдилар. Бу ўтган йили машинада терилган ҳосилдан 11 минг тонна кўпдир. Барча техникани икки сменада ишлатиш учун етарли кадрлар тайёрланган. (ЎзТАГ).

КУНИГА 32 МИНГ ГЕКТАР

Пахтакорларнинг юзлаб қанотли ёрдамчилари ғўзаларга заҳарли химикатлар пуркаш учун ҳар куни қуёш чиқиши билан осмонга кўтариладилар. Учувчилар сўнгги вақтда ҳар куни ўттиз икки минг гектар майдондаги ғўзаларнинг баргини тўқтирмоқдалар. Авиаторлар ҳозирдаёқ юз минг гектардан кўпроқ майдонга дори сепдилар.

Тошкент области колхоз ва совхозларида ғўза баргини тўқтириш айниқса уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Область бу соҳада республикада биринчи ўринни эгалламоқда. Областда ғўза экилган майдоннинг учдан бир қисми — 52,5 минг гектар ер фолянация қилинди. Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ ва Бўка районларидаги хўжаликларнинг далаларида ғўзаларнинг барги тез тўкилмоқда. Бу районлардаги экин майдонларининг қарийб ярмига дори сепилди.

Қишлоқ хўжалик авиацияси бу йил қисқа вақт ичида 1115 минг гектар майдондаги ғўзага таъсирчан химикатлар сепиши керак. (ЎзТАГ).

Республикада пахта тайёрлашнинг бориши

(Планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан; тўртинчи устун — дефолиация қилинган майдонлар)

Қашқадарё	2,19	22,94	30,95
Бухоро	2,17	14,17	7,42
Сурхондарё	1,42	8,85	21,23
Фарғона	1,62	8,00	12,37
Андижон	1,31	6,36	3,68
Тошкент	0,77	3,66	43,40
Самарқанд	0,76	2,82	6,03
Қорақалпоғистон АССР	0,45	2,07	15,45
Хоразм	0,50	1,74	7,50
Сирдарё	0,21	0,69	16,47

МАНА, коммунизм қураётган ёш авлод! Ўзбекистон пойтахтидаги корхоналарнинг ишчиларидан бир группаси ҳамда маҳаллий гарнизон жангчилари 1917 йилдан Ленин партиясининг аъзоси революция ветерани Пётр Филиппович Пальчиков билан биргаликда севимли ва қадрдон доҳимиз ва устозимизнинг Тошкентдаги В. И. Ленин номли майдонда қад кўтарган ҳайкали ёнига келишди. Ёш ватанпарварлар кекса большевикнинг революция ҳақида, Ильич ҳақида, меҳнаткаш халқнинг Коммунистик партия раҳбарлиги остида Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун олиб борган қаҳрамонона кураши ҳақидаги ҳикоясини зўр ҳаяжон ва диққат билан тингладилар. Коммунизм қурувчиларининг барча шонли ғалабалари Владимир Ильичнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир. Улуғ Лениннинг номини дилга жо қилиб, халқимиз душманни жанг майдонида тор-мор этган бўлса, меҳнат фронтида ҳам янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритмоқда. Улуғ доҳий ва доно устоз Ленинга бўлган чексиз муҳаббат, коммунизм ишига бўлган беқиёс садоқат биз, совет кишиларини янада кучли ва енгилмас қилиб етиштирмоқда.

Ёш авлод ўз оталарининг шонли ишларини дадилик билан давом эттирмоқда.

А. Асанов фотомонтажи.

Илҳидан ўрганайлик, Изучать Ильича

«...коммунист бўлиш — бутун ўсиб келаётган авлодни уюштириш ва бирлаштириш, бу курашда тарбия ва интизом намунасини кўрсатиш демакдир».

●

Ёшлар союзининг аъзоси бўлиш — ўз ишини ва ўз кучини умум иши учун сарф қилиш демакдир. Коммунистик тарбия мана шундан иборат. Ёш йигит ёки қиз мана шундай ишдагина чинакам коммунист бўла олади. Агар улар бу ишлари билан амалий ютуқларга эриша олсалар, шундагина улар коммунист бўла оладилар.

●

Коммунизмни мустаҳкамлаш ва батамом қуриш учун курашиш коммунистик ахлоқнинг асосидир.

●

Биз «ҳар ким ўзини дейди, бир худо ҳаммани дейди» деган лаънати қоидага барҳам бериш учун... ишлаймиз... Биз... «ҳамма бир кишини дейди» деган қоидани омманинг онгига сингдириш, унинг кундалик ҳаётига киритиш учун ишлаймиз.

Ўқиш залида. Суратда: (чапдан) комсомол аъзолари курсантлар С. Қидиралиев билан А. Қодиров Ленин асарларини танлаб олмоқда.

ЛЕНИН ПАРТИЯСИ САФИГА

Бугун батальонимизда очиқ партия йиғилиши бўляпти. Сержант Владимир Юрченконни Ленин партияси сафига қабул қилишяпти. Шуниси қизиқки, партия йиғилиши Ленин хонасида ўтяпти. Ранг-баранг стендлар, фото монтажлар, коммунизм қурилишида Ватанимиз эришган ютуқлардан ҳикоя қилиб беряпти. Бу ишларда сержант Юрченконинг ҳам ҳиссаси борлигини сезаман. Ахир, у Ленин хонаси советининг раиси эмасми!

Владимир Юрченконнинг таржимаи ҳоли ғоят қисқа. Мактабни битиргач, авиамеханиклар курсида ўқиди, кейинчалик мустақил ишлади ва ниҳоят Совет Армияси сафига келди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас сержант унвонини олиб, аълочилардан иборат ўқув-тарбия бўлимига командир бўлди.

Сержант ҳаяжонда. Бунинг боиси бор, албатта. Ахир, у умрида биринчи бор катта ҳаётга қадам босмоқда. Коммунист номи мағрур янграйди. Коммунистдан кўп нарса талаб қилинади. Ленин бизнинг ишончимиз номини, Юрченко партия аъзосидек юксак ва фахрли номга муносиб иш қилади. Йиғилишда командир сўзлади:

— Владимир Юрченко, — деди у, — партия сафига кириш учун узоқ тайёргарлик кўрди. У коммунистдек муқаддас номга муносиб кишидир. Унинг бўлими илғорлар сафидан ўрин олган. Ёш командирнинг ўзи эса интизомлиликда, жанговар ва сиёсий тайёргарлигда ўз жангчиларига намуна бўлаётир.

Командирнинг сўзларига қулоқ солар эканман, яқинда бўлиб ўтган машқни эсладим: Жазирама иссиқ. Юз-кўзларимизни тер босган. Дафъатан шамол кўтарилиб, аллақаёқлардан қум ва чанг-тўзонни ҳайдаб келди. Жанговар машиналари ёнида саф тортиб турган жангчилар сержант Юрченконинг охирги маслаҳатларини тингламоқдалар. Сержант обҳавонинг ҳар қандай ноқулай шароити ҳам моҳир таничига халақит бера олмаслиги ҳақида гапирялти.

Уша кунги машқий жангда сержант Юрченко бошчилигидаги танкчилар жанговар вазифани шараф билан адо этдилар.

Н. ИСИНГАРИН,
оддий солдат.

ЧИНАКАМ КОММУНИСТ БЎЛАЙЛИК

В. И. Ленин ҳақидаги навбатдаги суҳбатни РКСМ III съезди делегати Н. М. Тестелец олиб боради:

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони П. С. Рибалко номидаги Тошкент танк билим юрти роталарида биринг Ленин хонасида бугун бўш жой қолмади. Бу ерга тўпланган курсантлар, танкчи жангчилар, армия сафига чақирилувчи ёшдагилар В. И. Ленин ҳақидаги суҳбатнинг бошланишини сабрсизлик билан кутмоқдалар. Уларнинг суҳбатга бўлган иштиёқи тушунарлидир. Ахир, бу суҳбатни Туркистондаги дастлабки комсомоллардан бири, Ленинни кўрган ва унинг нутқини тинглаган Наум Матвеевич Тестелец ўтказади. У РКСМ III съездининг делегати бўлган.

Мана у минбарга чиқиб, суҳбатни бошлади. Хонанинг деворлари сурилиб, кенгайиб кетгандек бўлди. 1920 йил. Вайроногарчилик ва контрреволюцион исён қучоғида қолган Туркистондан поезд гарбга йўл олади. Бу поезд Москвага, съездга, Ленининг олдига боради.

Наум Матвеевич Москвага етиб бориш нақадар қийин бўлганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Екилғи етишмас эди. Комсомоллар паровоз екилғиси қолмаганда, саксовулларни кесиб келардилар. Поезд 46 кун деганда Москвага етиб борди. Қирқ олти кунгача поездда кетаётганлар Ленинни кўриш иштиёқида эдилар.

1920 йилнинг октябри. Свердлов номидаги коммунистик университет биносининг кенг зали. Бутунроссия Марказий ижроия комитети ҳарбий мактабининг курсантлари ҳайкалдек қотиб турибдилар. Соат тўрт. Тез-тез қадам ташлаб, саҳнага Ильич чиқиб келади. Қарсаклар зални ларзага келтиради. Ленин чўнтак соатининг ойнасига маъюдор чертиб қўяди-да, ўзининг машҳур нутқини бошлайди.

Мамлакатда очлик ва хонавайронлик ҳукм сурарди. Ёш давлат фронтлар темир ҳалқаси орасида қолган эди. Делегатлар олдинданоқ Декларация ишлаб чиққан эдилар. Бу Декларацияда делегатлар съезд тамом бўлиши биланоқ ўзларини Польша фронтига сафарбар этилган, деб ҳисоблардилар. Ленин эса «вазифа—ўқишдан иборат», деди.

Владимир Ильич узоқни кўзлар эди. У ўша вақтдаги комсомоллар бўлажак коммунистик жамиятнинг дастлабки бинокорлари деб ҳисобларди. «...ҳар бир ёш йигит ва ҳар бир қиз коммунистик жамият қурувчи бўлмоғи керак» — деган эди у.

Лекин коммунизм қуриш учун коммунизмни ўрганиш керак. Бунинг учун эса коммунистик асарларда, китобларда ва брошюраларда баён қилинганидан кўпроқ нарсани билмоқ лозим. Ишламасангиз, қурашмасангиз, коммунизм ҳақидаги билимларингиз ҳеч нарсага арзимайди.

Н. М. Тестелец В. И. Ленининг РКСМ III съездида сўзлаган нутқидан парча ўқиб беради. Хонани сукунат қоплади. Ильич съезд минбаридан туриб комсомолларнинг вазифалари тўғрисида гапирганда ҳам Свердлов номидаги университет залини худди ҳозиргидек сукунат қоплаган эди.

«Ёшлар союзининг вазифаси — ўзининг амалий ишини шундай йўлга қўйишдан иборатки, бу ёшлар ўқиб, ўқишиб, жипслашиб, қурашиб ўзларини ҳам ва бу союзни йўлбошчи деб билувчи ҳамма ёшларни ҳам тарбияласин, ёшлар союзи коммунистлар тарбиялаб етиштирсин. Ҳозирги замон ёшларини тарбиялаш, ўқитиш ва уларга таълим бериш ишларининг ҳаммаси уларни коммунистик ахлоқли қилиб тарбиялашдан иборат бўлсин».

Ленин ёшларга ўз куч-ғайратини умумий ишга сарфлашни, ҳар бир ишда ташаббус кўрсатишни, коммунистик дунёқарашни ўзларида шакллантира олишни ҳамда коммунистик ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилишни васият қилди. Ёшлар учун у белгилаб берган программа келажакка ташланган чуқур ва ёрқин назардир. Бу программа ҳозир ҳам комсомолларнинг қуроли бўлиб хизмат қилмоқда. Бинобарин Ильичнинг ўзи ҳам коммунизм ёш қурувчиларининг жипс сафида қадам ташлаб бормоқда.

Шундан сўнг ўртоқ Тестелец кекса авлод комсомоллар Ленин васиятларини қандай бажарганликлари ҳақида ҳикоя қилади. Улар Туркистонда босмачиларга карши курашда, саводсизликни туғатишда, хотин-қизларни озодликка чиқаришда, ҳароба жойларда гуллаб-яшнаган янги шаҳар ва қишлоқлар, фабрика ва заводлар барпо этишда, саҳроларга ҳаёт киритиб, боғ-роғлар барпо этишда коммунистларга ёрдам берганлар. Улар меҳнат қилишар ва ўқишарди, бошқаларни ҳам ўқитишарди. Улар янги жамият қурдилар. Мамлакат устида уруш булутлари пайдо бўлганда, улар қўлга қурол олиб, жонажон Ватанни ҳимоя қилиш учун отландилар.

Бу вақтга келиб дастлабки комсомолдар анча улғайиб қолгандилар, коммунистик руҳда тарбияланган фарзандлари улар билан бир сафда жанг қилдилар. Ватан, халқ ва партияга бўлган қизғин муҳаббат, пировард мақсадни яққол кўра билиш— оталарга хос ана шу хислатларнинг ҳаммаси болаларга ўтди. Бу хислатлар ҳозирги ёшларга ҳам хосдир.

Эндиликда коммунизм чўққилари ҳар қачонгидан ҳам равшанроқ кўриниб қолди. Коммунизм қурувчиларининг сафлари ҳам ҳар қачонгидан жипсроқдир. 1920 йилда 400 минг комсомол бор эди. Ҳозир улар 19 миллион. Ҳар бир комсомол аъзоси Ильичнинг васиятларига риоя қилиб, умумий ишимизнинг бирор вазифасини амалда бажармоқда. Ҳар бир комсомол аъзоси Ленин васиятларига амал қилиб, коммунизм назариясини ва коммунизм қуришни ўрганмоқда.

Ҳозир Ленин хонасида В. И. Ленин ҳақидаги ҳаяжонли суҳбатни эҳтиёт билан тинглаётганлар ҳам 19 миллионли комсомоллар армиясининг бир кисмидир. Улар кекса авлод ишини шараф билан давом эттирмоқдалар.

Армияга чақирилиш ёшидаги Диловар Бектошев «Чирчиксельмаш» заводи коммунистик меҳнат цехида токарь бўлиб ишлайди. Слесарь Равел Абутолипов ва котелчи Валерий Маклатов ҳам коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоларидир. Ҳозир улар ишламоқдалар, кузда эса коммунизм қурувчиларининг тинч меҳнатини ҳушёрлик билан қўриқлаш учун Ватан ҳимоячилари сафига ўтадилар. Улар ҳарбий билимларни В. И. Ленин васият қилганидек астойдил ўрганадилар.

Уларнинг ёнида погон тақкан комсомоллар ўтирибдилар. Сержантлардан Ростислав Максимов ва Михаил Кравченко, младший сержант Валерий Карпинский, оддий аскарлар Валерий Гордунов ва Василий Почтаренко, курсант Гавҳаритдин Ғуломов ва бошқалар оталарнинг жанговар традицияларини шараф билан давом эттирмоқдалар ва кўпайтирмоқдалар. Уларнинг ҳаммаси Совет Армияси аъзочилари, мутахассислар, разрядли спортчилардир. Улар ўз билимларини ошириш устида кўп ишлайдилар, коммунистик ахлоқ принципларига қатъий риоя қилиб яшайдилар.

— Сизлар коммунистик қурилишнинг энг масъулиятли участкасида турибсизлар, — дейди Н. М. Тестелец жангчиларга мурожаат қилиб. — Ленининг Армияга катта эътибор берганлиги бежиз эмас. Империалистларнинг ҳар қандай найрангларини парча-парча қилиб ташлайдиган пўлат қалқон бўлмаса, коммунизм қуриб бўлмайди. Сизлар қанчалик мустаҳкам бўлсангизлар, бизнинг завод ва фабрикаларда, қурилишларда меҳнат қилишимиз шунчалик енгилроқ бўлади.

Кекса комсомол ўз нутқини қуйидаги сўзлар билан тугаллайди:

— Сиз ёшлар коммунизм қурилишида иштирок этмоқдасиз. Шу билан бир вақтда жамиятнинг ўзи сизларни юксак коммунистик ахлоқли қилиб тарбияламоқда. Бутун ҳаётингиз, бутун фикр-ўйларингиз ва интилишларингиз коммунистик руҳда бўлиши керак. Ильич ана шундай бўлишини истар эди. Шуни сира ёдингиздан чиқарманг...

Шундан сўнг оддий аскар Валерий Гордунов, курсант Свобода, ҳарбий хизматга чақирилувчилар ёшидаги токарь Владимир Ким сўзладилар. Улар улуғ доҳийнинг васиятларини бажарамиз ва амалга оширамиз деб кекса авлодни ишонтирдилар.

В. СТАРОСТИН,
лейтенант

ЛЕНИНГА

Биз ўзбек, украин, рус
ўғиллари —
Ака-укаларимиз аҳил, биродар.
Дўстликдан яшнайди совет
эллари,
Ленин қуёшидан яйраб баробар.
Дўстлик ижодкори улуғ
доҳийни
Қалбимизда мангу биз
ардоқлаймиз.
Азиз юртимизнинг боғу-
роғини
Лениндай севамиз, кўздай
сақлаймиз.

Тешабой ҲОЖИМАТОВ.
солдат.
Ярославль.

БУЮР, ВАТАНИМ

Она-Ватан, зарра тупроғинг,
Кўз нуримдай мўътабар,
азиз.
Улғайтирди ўтли қучоғинг,
Шу боисдан ҳурматим
чексиз.
О, юрагим — ягона Ватан,
Бахт гулига бурканган диёр,
Хизматингга тайёрман,
шайман,
Буюр она, ўғлинг фидокор!

Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ.
солдат.
Ленинград.

ШУ КАСБГА МЕҲРИМ ТУШГАН

Бинокорнинг қадами қутлуғ дейдилар. Ҳа, ҳақиқатан ҳам бинокорнинг қадами етган жой тезда обод бўлади. Улар ҳиммат камарини белга боғлаб ишга киришгач, чўллар гулистонга айланади. Мана, Мирзачўлдан қиёс қилинг, Қадим кимсасиз даштлик эди. Шер ўмровли механизаторлар келиши билан янги зоврлар қазилди, ернинг шўри қочирилди. Улар билан кетма-кет иш бошлаган бинокорлар янги посёлкалар, шаҳарлар бунёд этдилар. Катта каналлар қазиб, қақраб ётган биёбонга ҳаёт бахш этдилар.

Тошкентда барпо этилган Чилонзор массивининг йўлдошлари кўпайиб борялти. Шаҳарнинг шарқий қисмида янгидан Високовольтная массиви бунёд этилмоқда. Самарқанд, Наманган, Нукус, Бухоро шаҳарларида ҳам янги уй-жой массивлари тикланмоқда.

Ўзим ҳам бинокорман. Шу касбим билан обрў-эътибор топдим, элга танилдим. Мен билан ёнма-ён ишлаётган ҳамкасбларимнинг иш суръатларини, ғайрат-шижоатларини кўриб ҳавасим келади. Бизнинг бригадамиз шу кеча-кундузда Намангандаги шойи ва штапель толалардан костюмбоп газламалар тайёрловчи комбинат қурилишида ишламоқда. Ҳалемай бу корхона ҳам фойдаланишга топширилади. Халқ хўжалигимизнинг гуркираб ривожланишига ёрдам берадиган улкан корхоналар қуриш, янги уй-жой бинолари барпо этиш ишига яна ҳам кўпроқ ҳисса қўшишга интилмоқдаман.

Абдулла ВОҲИДОВ,
бинокор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЮРАК ЁНМОҒИ КЕРАК

Қуёш уфқ узра кўтарила бошлаганда қирувчи реактив самолётларнинг момоқалдироқдек гуруллаши сахрони уйготиб юборди. Ефрейтор Сулаймонов станцияни ишга солди. Жангчи жанговар техника олдидан бир неча соат жилмади. У навбатчилик қиларди.

Қуёш тафтидан, гармселдан унинг юзлари қотиб кетганди. Аммо ефрейтор бунга эътибор бермасди. У приборларнинг кўрсаткичларини дам-бадам назорат қилар, бу ерга яқиндагина хизматга келган оддий солдат Метелкинга тез-тез ёрдамга борарди.

Бўш вақт бўлиб қолганда ефрейтор Сулаймоновни кичкинагина ўйга юборишди. Бир минутдан сўнг у бу ердан қўлида идиш кўтариб чиқиб, Ленин бюсти турган пастроқ постамент олдига борди. Бу бюстни солдатларнинг ўзлари ясаган эдилар. Командир уни социалистик мусобақа ғолибларига топширарди.

Постамент атрофида экилган ранг-баранг гуллар Ленин бюстига қараб бўй чўзиб турибди. Сулаймонов энгашиб, гулларга сув қуя бошлади. Шу пайт оддий солдат Метелкин ҳам унинг ёнида пайдо бўлиб қолди, у ҳам сув келтирган эди.

Солдатлар чарчоқни ҳам унутиб қўйишганди. Худди сахро ҳам тинчигандай, шамол ҳам қум-тўзонларни кўтармаётгандай, ташналик ҳам қийнамаётгандай туюларди уларга.

— Қадрдон Ильичимиз, — деди оддий солдат Метелкин,

Авнатор икки оғизгина сўз айтди. Лекин бу сўзларда доҳийга нисбатан қанчалик муҳаббат бор! Қалбларидаги Ленинга нисбатан бўлган ана шу чексиз муҳаббат туфайли кизирама сахрода жангчилар Ватанга намунали хизмат қилмоқдалар. У солдатларнинг мустаҳкам сафида улуғвор туриб, ҳарбий кийимдаги ёшларни чидамлиликка, қаҳрамонликка ўргатмоқда.

В. МАМОНТОВ,
лейтенант.

ИЛҲОМ МАНБАИ

Уйимдаги кутубхонамда Ленининг «Бир қадам олға, икки қадам орқага» деган асари сақланади. Бу китоб менинг учун нақадар қимматли эканлигини билсангиз эди. Зероки, ана шу китоб туфайли улуғ Ильичнинг ҳаёти билан танисил танишдим. Армия сафида эндигина хизмат қила бошлаган чоғларимда коммунист Ниц китобни менга совға қилиб берган эди.

— Бу асар, — деган эди у,— доҳийимиз нечоғли доно ва улуғ бўлганлигини билиб олишингга қўман беради.

Китобни мутолаа қилишга киришдим. Кўз олдимда ленинчиларнинг иккинчи съездида янги типдаги пролетар партияси учун олиб борган кураши яққол намоён бўлди. Сирасини айтганда, В. И. Ленин асари яратилган даврнинг тарихий шароити билан таниш эмас эдим.

Тушунмаган нарсаларни сиёсий ходимдан сўрадим:

— Ленинни шунчаки ўқиш эмас, ўрганиш керак, — деди у. — Жиддий ўрганиш керак. Қалам-дафтарни ишга солиш лозим.

Ўртоқ Динин вақтини аямай бир неча кун мобайнида менга конспект ёзиш, қўшимча адабиётдан фойдаланиш усулларини ўргатди.

Сўнгра Ильичнинг «Нима қилмоқ керак?», «Социал-демократиянинг демократик революциядаги икки тактикаси», «Материализм ва эмпириокритицизм» ва бошқа асарларини ўрганиб чиқдим. Дунё қарашим тобора кенгайиб бораётганини сездим.

Ильич асарларини ўқир эканман, мунтазам равишда ўқиб бориш кераклигини пайқадим. Командир, сиёсий ходимлар ёрдамида ўрта мактабни битириб, олий ўқув юртига ўқишга кирдим.

Ленининг кишилар орасида ишлаш, коммунистик тарбия методикаси ҳақида гап юритилган асарлари менда катта таассурот қолдирди. Ана шу масалаларга оид фикрларни доҳийнинг асарларидан кўчириб ёзиб олишга одатланиб қолдим.

Доҳийнинг партия X съездида сўзлаган нутқини ўқиб чиққач: «Бўлинмамизда омма билан ишлаш масаласи қай даражада ҳал этилган?» деб ўйланиб қолдим. Взвод ҳамда бўлим командирлари иштирокида ўтказилган кенгашда жангчиларни рағбатлантириш ва жазиллаш практикасини таҳлил қилиб чиқдик. Натижада сержант Х. Бобоев билан ефрейтор И. Стороженко ўзларига берилган интизом ҳуқуқларидан тўғри фойдалана олмаётганликлари, жангчилар орасида тарбиявий иш олиб бормаётганликлари аниқланди. Лейтенант М. Сенчик, сержант Е. Досайбеков, оддий солдат У. Зафаровлар ёрдамида Ленинга бағишланган лекция ва суҳбатлар ўтказилиб бошланди. Агитаторлар фаолияти жонлантирилди. Деворий газета редколлегиясининг иши яхшиланди. Буларнинг ҳаммаси жанговар ўқиш савиясина оширишда ижобий натижа берди. Ҳозирги пайтда ротамиз биринчилар қаторига чиқиб олди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ленин асарлари, агар уларни яхши ўрганганингиз, бебаҳо маслаҳатчидир. Ильичнинг ҳар бир сўзи янгидан-янги зафарларга илҳомлантириб, кўп масалалар устида ўйланишни талаб қилади, амалга ошираётган ишларимизнинг нечоғли улкан эканлигини чуқурроқ билиб олишга ундайди.

В. И. Ленининг уруш ва армия масалаларига бағишланган асарлари биз, ҳарбийлар учун катта аҳамиятга эгадир. Ильичнинг ҳамиша серган бўлиш, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Совет Армиясининг қуч-қудратини ошириш зарурлиги ҳақидаги васиятлари Ватаннинг ҳар бир ҳимоячиси қалбидан чуқур жой олган. Бу васиятлар ўқишимизни бритиб, партиямиз XXII съезди ҳамда КПСС Программаси тўғрисидан қўйилган масъулиятли вазифаларни муваффақият билан амалга оширишда катта ёрдам бераётир.

Ленин асарларини ўқир эканман, энг одамий киши билан суҳбатлашаётгандай ҳис қиласан ўзингни. Билакларинг кучга тўлиб-тошиб кетгандай туюлади. Унинг асарларини ўрганиш ҳаётий зарурат бўлиб қолди.

А. БОГОТОПОВ,

Ленин хонасига заводнинг ишлаб чиқариш илғорлари келишди. Суратда: (чапдан) КПСС аъзолигига кандидатлардан Николай Кириллов билан Алексей Галямов хонадаги стенд ва панноларни кўздан кечирмоқдалар.

А. Асанов фотолари.

КЕЛАЖАК РАЗВЕДКАЧИЛАРИ

Корхонада ишлай бошлаганимга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Мен ишлай бошлаган дастлабки пайтларда корхона бир меъёрда ишламас, топшириқларни ҳамма кўрсатиччлар бўйича қўнгилдагидек адо эта олмас эди. Ҳозир эса тамоман бошқача бир манзарани кўриш мумкин. Қўли гул тикувчиларимиз ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилаётирлар, ҳар бир дамни ғаниматдек билиб топшириқларни ортиғи билан бажаришга эришаётирлар.

Фабрикамиз этти ойлик планга қўшимча анчагина маҳсулот ишлаб чиқарди. Кийим-кечакларнинг сифатини яхшилашга қаратилган бир қанча ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Бу муваффақиятларга келажак разведкачилари ҳаракатининг авж олиб кетганлиги катта ёрдам кўрсатмоқда. Фабрикада ишловчиларнинг қарийб 90 проценти коммунистик меҳнат мусобақасида қатнашяпти. Кўлгина коллективлар ва ишчилар бу мусобақада ғолиб чиқдилар.

Бу ҳаракат илғорлиқ, ташаббускорлиқ, новаторлиқ ҳаракатига айланиб кетди. Келажак разведкачилари ҳаракатида қатнашаётган барча кишилар, умумий ишлашга, ўз билимларини ошириб боришга, ишлаб чиқаришда ва турмушда ибрат кўрсатишга интилаётирлар. Коммунистик меҳнат мусобақаси ленинча яшаш, ишлаш ва ўқиш мусобақаси бўлиб қолди. Бу эса ўз самараларини бермоқда. Кейинги ойлар ичида планга қўшимча равишда 66,6 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги шу ҳаракат қатнашчиларининг меҳнат ғайрати ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Фабрикамизда юзага келган хоҳ катта, хоҳ кичик ташаббус қўллаб-қувватланади. Республикамизда ва мамлакатимизда тан олинган энг яхши иш усулларини ҳам бажонидил ўрганялмиз. Уларнинг энг яхшиларини ва ўз соҳамизга мос келадиганини жорий этамиз. Касбдошимиз Татьяна Кардаш ташаббуси бизга қўл келиб қолди. Қўқонлик ташаббускор бу жувонининг издошлари фабрикамизда тобора кўпайиб борялти. К. Жданова, М. Каромова, К. Шульга ўртоқлар бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаларининг аъзолари ҳар сменада планга қўшимча маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлаётирлар. Кардашчилар йил бошидан буён пландан ташқари 30 минг сўмлик кийим-кечак тикдилар.

Келажак разведкачилари мусобақасида қатнашиш ижоднорлик ҳаракатининг кенг қулоч ёйишига имкон берялти. Ижоднорлик билан фақат мутахассисларгина эмас, ишчилар ҳам шуғулланмоқда. Оддий ишчи таклифининг ҳисоб-китобини рўёбга чиқаришда мутахассислар уларга ёрдам беришялти. Натижада рационализаторлиқ таклифлари кўпайиб, уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши тезлашмоқда. Кейинги вақтда 37 та янги таклиф жорий этилди. Бу, кийим-кечак тикишни тезлаштирди, иш жараёнларини такомиллаштирди, маҳсулот таннархини арзонлаштирди. Ана шу таклифлар йилига 33,7 минг сўм иқтисодий фойда келтирмоқда.

Фабрика партия ташкилоти ва ишчилар комитетининг ташаббуси билан корхонамизда коммунистик меҳнат мактаби ташкил қилинди. Мактабда ҳар ойда бир марта машғулотлар ўтказилмоқда. Унда ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибалари оммалаштирилади, коммунистик ахлоқ нормаларига оид суҳбатлар, фикр олишувлар бўлади. Сифат учун кураш мусобақаси илғорларининг ибратли иш усуллари ўрганилади. Яқинда ўтказилган машғулотда менинг ҳисобим эшитилди. Бригадамиз коллективининг коммунистик меҳнат мусобақасига қўшилгандан сўнг эришган муваффақиятлари тўғрисида гапириб бердим. Ишимиздаги янгиликларни сўзладим. Тикувчилар бригадамиз меҳнат унумдорлигини ошириш, вақтдан тежаб-тергаб фойдаланиш, маҳсулот сифатини кўтариш борасидаги тажрибаларимиздан ўрганажакларини айтдилар.

Саломат САИДЖОНОВА,
Бухоро шаҳридаги «ВЛКСМ 20 йиллиги» тикув фабрикаси коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи.

Ильичдек яшайлик
жить по Ильичу

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА

Ҳар бир авлоднинг ўз ёшлиги бор. Йигирманчи йиллар комсомоли суронли даврда яшаб, афсонавий ишлар қилган. Қизил аскарлар шинелини кийган йигит ва қизлар Коммунистлар партияси раҳбарлигида, ўз жонларини аямай ёш Совет республикасини оқ гвардиячилар ва интервентлардан ҳимоя қилдилар. Ўттизинчи йиллар комсомолининг ёшлиги биринчи беш йиллигининг янги қурилишлари билан боғланган. Бизнинг авлодимиз — қирқинчи йиллар комсомолларига эса Улуғ Октябрь ғалабаларини фашист босқинчиларидан қўлга қурол олиб ҳимоя қилишга тўғри келди. Биз ҳамма вақт ва ҳамма жойда ғалабага эришганлигимизнинг боиси шуки, бизга ҳамиша ғолиб Ленин байроғи илҳом бағишлади.

Мен ва менинг ўртоқларим, ўзбек комсомоллари 1942 йилнинг ёзида Сталинград бўсағасида бўлган қаттиқ мудофаа жангларида иштирок этганмиз. Бомбалар ва снарядлар зарбидан ер ларзага келарди. Бироқ, совет қўшинлари разил фашист босқинчиларни аёвсизлик билан қирдилар.

Ўша вақтда бутун фронт бўйлаб туркистонлик ўн бир қаҳрамоннинг жасорати ҳақидаги хабар тарқалди. Улар орасида тўққиз ўзбек йигити ҳам бор эди. Младший лейтенант Михаил Кабрибов қўмондонлигидаги группага муҳим тепаликни мудофаа қилиш топширилган эди. Гитлерчилар бир неча марта атака қилдилар. Лекин группа аъзолари мардларча бардош бердилар, яраланган бўлишларига қарамай гитлерчиларни омонсиз қирдилар. 11 жангчининг ҳаммаси ҳалок бўлса бўлдики, лекин душманни ўтказмадилар. Шунинг учун ҳам тепалик шуларнинг номига «Шарқнинг ўн бир қаҳрамони тепалиги» деб номланди.

Совет қўшинларининг матонати, мардлигига ҳатто фашист қўмондони ҳам қойил қолди. Лекин душман жангчиларимизнинг букилмас иродаси, юксак маънавий қиёфасининг асл моҳиятини ҳеч тушуна олмади. Бу моҳият эса Ватанимиз қуролли ҳимоячиларининг юксак эътиқодида, уларнинг Коммунистик партия ишига чексиз садоқатида, марксча-ленинча таълимотга содиқлигида намоён бўлди.

Қаттиқ олишувлар кетаётган ўша кунларда Волга бўйидаги жангларда қатнашаётган биз жангчиларни ўзбек халқининг фронтдаги қўшинларга ёзган хати айниқса тўлқинлантириб юборди. Зотан бу хатда В. И. Ленининг халқлар дўстлиги ҳақидаги, социалистик Ватанни мудофаа қилиш ҳақидаги идеялари ўз аксини топган эди.

... «Эй ўзбек халқининг ҳур ўғлони, эркин қизи! — дейилган эди хатда. Рус, украин, белорус, озарбайжонлик, грузин, арман, тожик, туркман, қозоқ ва қирғиз йигирма беш йил ўзбек халқи билан ака-укадек бўлиб бир иморат, бир мамлакат, бир маданият қуриб келдик. Тўйларда ва базмларда, кураш ва машаққатларда ҳамроҳ бўлдик! Энди сенинг аканг бўлган русининг уйига, қардошинг бўлган белорус ва украининг уйига, герман каллакесари босиб кирдики, у сариқ вабонинг келтирганидек: дор ва қамчи, очлик ва ўлим, ҳақорат ва қирғиндир...

Сен шундай қилишинг керакки, маккор ва қонхўр босқинчи бевосита кўчанга, маҳалланга киришини кутмасдан, уни ўша қардошларинг эшигида тор-мор келтириб қайтаргин. Ахир, белоруснинг кўчаси сенинг кўчанг. Сенинг маҳалланг украининг маҳалласидир. СССР бир улуғ кўрғондирки, унинг дарвозаси бир. Бу дарвозадан кирган ўғри сенинг ҳам жонингга қасд қилгандир... Оилангдаги ўғилларнинг сараси бўл, қардош халқлар ўртасида ҳам илғор баҳодирларнинг биттаси бўл!».

Ленин партияси, жонажон ҳукуматимиз, совет халқи илҳомлантирган қўшинларимиз мислсиз жасорат кўрсатдилар. Душман устидан галаба қозониш учун қонларини ҳам, жонларини ҳам аямадилар. Ўша жойларда, жанг майдонида ёшлар чиниқди, коммунизмга садоқатнинг катта имтиҳонидан ўтди. Кўп ҳолларда, ҳужум бошланиши олдидан ёки қийин топшириқни бажаришга кетишдан олдин солдатлар, сержантлар, офицерлар шонли Коммунистик партия сафига қабул қилишни сўраб, ариза берардилар. Бизнинг батарея партия ташкилотига бундай аризалардан бирини разведкачи комсомол аъзоси старший сержант Меркулов ҳам берган эди. Партия аъзолигига кандидат қилиб олинган, мажлисдан кейин у комсомоллардан старший сержант Лазарев ва сержант Тешабоев билан биргалиқда паромда Днепр дарёсини сузиб ўтди. Разведкачи жангчилар радио орқали тегишли хабар бердилар. Батарея душман позицияларини аниқ мўлжалга олиб, ўт очди. Бундан фойдаланиб, ўқчи бўлинмалар ҳам сув тўсиғидан сузиб ўта бошладилар. Жасур разведкачилар душманнинг ҳужумини мардонавор қайтариб турдилар, плацдармни асосий кучлар келгунга қадар ўз қўлларида сақлаб турдилар. Орадан кўп ўтмай бу ерда гвардиячиларнинг буюк доҳийнинг сурати солинган қизил байроғи ҳилпиради. Қўшинлар «Ленин учун, Ватан учун! Ура!» садолари остида ҳужумга ўтдилар.

Шу жангда кўрсатган қаҳрамонлиги учун старший сержант Меркулов Қизил Байроқ ордени билан, старший сержант Лазарев 1- даражали Ватан уруши ордени билан, сержант Тешабоев эса «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотландилар.

Курск остоналарида бўлган жангларда Ватанимизнинг ўғиллари кўрсатган жасорат халқлар хотирасидан асло чиқмайди. Бу ерда бизнинг қўшинларимизга душманнинг шу вақтга қадар мисли кўрилмаган даражада кўп ҳамласини даф этишга тўғри келди. Кулранг шинель кийган ёш солдат шундай хавф-хатардан асло чўчимади, ҳар қачонгидан ҳам бардам турди.

Бизнинг тўпчи батареямиз жуда қалтис жойда турарди. Душманнинг дахшатли, ўқ ўтмас танклари ҳужумга ўтганда бизнинг расчётларимиз уларни бирин-кетин ишдан чиқара бошлади. Гитлерчилар аланга ичида қолган машиналарни ташлаб орқага чекинар ва яна ҳужумга ўтар эди. Ҳужум 12 марта такрорланди. Тутун ва тўзондан осмон қорайиб кетди. Нафас олиш оғирлашди. Лекин тўпчиларимиз жуда чиниқиб кетган эди. Масалан, батарея комсорги старший сержант Ариповскийнинг расчёти душманнинг 11 танкини яксон қилди. Оддий аскар комсомол аъзоси Сомов ҳам бу жангда юксак маҳорат, мардлик кўрсатди. Совет ҳукумати комсомол аъзоси Ариповскийнинг жасоратига юксак баҳо бериб, уни Ленин ордени билан мукофотлади. Бошқа жангчилар ҳам орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Ёш ватанпарварларимизнинг халққа, Ватанга, Коммунистик партияга, ҳарбий қасамёдга содиқ эканликларини кўрсатувчи мисоллари кўплаб келтириш мумкин. Бизнинг солдат ва сержантларимиз, офицерларимиз яъни қирқинчи йилларнинг комсомоллари Коммунистик партия ғоялари учун, адолатли иш учун душманга қарши қаттиқ жанг қилдилар. Ленин байроғи бизларга мададкор бўлди.

Ёш туркистонлик жангчилар! Сизлар оталарингиз ва акаларингиз жанговар шон-шуҳратнинг ҳаққоний ворисларисиз. Бинобарин, маҳоратингизни, жанговарлик қобилиятингизни тинмай оширингиз, фронтчиларнинг анъаналарини кўпайтирингиз. Доҳиймиз ва устозимиз улуғ Ленининг васиятларига, доим содиқ бўлингиз.

Б. БОБОЕВ,
полковник.
Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

Машъала

Электр нурларига кўмилган Ленин хонасига солдатлар, сержантлар ва офицерлар тўпланган.

Рота партия ташкилотининг секретари Виталий Шпорт В. И. Ленининг 1918 йил 7 мартда РКП(б) VII съездида ўруш ва тинчлик ҳақида қилган доклади тўғрисида гапириб беради. Доҳийнинг башоратли сўзларини келтиради.

Старшина Шпорт илғор коммунистлардан Карапет Палатурян, Валижон Қодиров, комсомоллардан сержант Борис Калямшин, младший сержант Владимир Иванов, ефрейторлар Анатолий Гаврилка ва Геннадий Бородичлар каби ҳарбий машъаллар ҳақида ғурур билан гапиради. Бу аълочилар ҳарбий ишни мустаҳкам ўрганмоқдалар. Сўнгги тактик машғулотда юксак ҳарбий маҳоратни намойиш қилдилар. Жанговар топшириқ — суғий кўприкни белгиланган вақтдан илгари қурдилар.

Жангчиларимиз Ильичнинг ўлмас асарларини катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Партия ташкилоти шахсий состав ўртасида мунтазам равишда Ленинга бағишланган суҳбатлар ўтказиб туради.

Офицерлардан Бичков ва Шахматов, сержант Қодиров ва бошқалар взводларда «В. И. Ленин ҳарбий интизомнинг аҳамияти ҳақида», «В. И. Ленин юксак революцион хушёрликни сақлашнинг зарурлиги тўғрисида» ва бошқа темаларда суҳбатлар ўтказдилар. Улуғ доҳийнинг ҳарбий соҳадаги айтган васиятларининг чуқур маъносини тушунтириб бериб, бўлинманинг шахсий состави қандай ҳизмат қилаётгани ҳақида ёрқин мисолларда гапирдилар.

Улуғ доҳийнинг ҳаёти ва бутун фаолияти, унинг ғениал асарлари содиқ машъала сифатида хизмат қилиб, жангчиларни сидқидил хизматга, ўқишда янгидан-янги ютуқларга эришишга, хушёрлик ва жанговар тайёргарликни оширишга илҳомлантиради. Ротанинг солдат, сержант ва офицерлари улуғ Ленин васиятларини шараф билан амалга ошириш мақсадида ҳарбий билимларни пухта эгалламоқдалар. Бизда аълочилар сафи тобора кенгаймоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада коммунист сержант Қодиров қўмондонлик қилаётган инженерлик разведкаси бўлими биринчиликни эгаллаб келмоқда. Бу жангчиларидан комсомол аъзолари ефрейтор Потерин, оддий солдатлардан Едгоров ва Морозиков ўртоқлар яқинда бўлиб ўтган махсус ва тактик машғулотларда яхши натижаларга эришдилар.

Коммунист сержант Палатурян бошчилигидаги бўлим ҳам аълочилар бўлими деб эълон қилинган. Ефрейтор Бородич, оддий солдатлар Белоус ва Нецель жанговар ва сиёсий тайёргарликда яна бир поғона юқори кўтарилдилар.

Офицер Олег Шахматов бошчилигидаги взвод, сержант Александр Максимчук раҳбарлигидаги бўлим мусобақада биринчилар қаторидан ўрин олган.

Шуниси ҳам қувонарлики, ўқув-таълимнинг ёзги пайтида кўплаб жангчилар қолоқликдан аълочилар сафига ўтиб олишди. Бунда командирларимизнинг жанговар ёрдамчилари — коммунистларнинг ҳиссаси каттадир. Яқинда биз Тўрабой Шомаматовни КПСС аъзолигига кандидат қилиб қабул қилдик. Ҳозирги пайтда у тажрибали сапёр, аълочи солдатдир. Ваҳолонки, бир пайтлар у ўқишда орқада қолиб келарди. Хизматдошлари унга ёрдам беришди. Ефрейтор коммунист Анвар Дауров Шомаматов билан қўшимча машғулотлар қилди. Аълочи солдатнинг ёрдами ўз самарасини келтирди. Коммунистлар ёрдами билан Тен, Заблавский, Едгоров, Буринин, Абдугалиевлар илғорлар сафига ўтиб олдилар. Эндиликда ротамизда қолоқлар, интизомни бузувчилар қолмади. Бўлинмамиз биринчи ўринни эгаллади.

Жангчиларимиз қўлга киритилган ютуқлар чегара эмаслигини яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам ҳарбий интизомни тобора мустаҳкамлаш, хушёрлик ва жанговар тайёргарликни ошириш йўлида кучғайратларини аямайдилар.

М. ТАГЕР,
капитан, рота командири.

Тарбия — узоққа чўзиладиган ва қийин ишдир. Бунда декрет билан қутулиб кетиб бўлмайди, чидам билан ва чечанлик билан иш кўриш керак, биз шунга қараб бормоқдамиз ва борамиз.

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси бичиш цехининг илғор ишчиларидан бир группаси (чапдан): Е. Каримов, С. Толипов ва Мария Бурдман ўртоқлар кундалик нормани 110-115 процент адо этмоқдалар.
А. Тўраев фотоси.

Йиғим-терим мавсуми авжида. Узбекистоннинг 3 миллион 650 минг тоннали «оқ олтин» хирмонини барпо қилиш учун қизғин кураш кетяпти. Яқин кунларда Тошкент область Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг далаларида ҳам «зангори кема»ларнинг гуруллаган овози баралла янграй бошлайди. Механизаторлар улкан хирмон учун нураши бошлаб юборадилар.

Фотомухбиримиз А. Тўраев олган суратда сиз кўриб турган Абдусалом Абдуганиев совхознинг биринчи бўлимида комплекс механизациялашган звенони бошқаради. Бу звено аъзолари 40 гектар майдонда пахта етиштириб, она-Ватанга ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил топширишга аҳд қилганлар. Ҳосилнинг чўғи яхши. Ҳар туп гўзада ҳосил бўлган бўлиқ кўсаклар, лўппи-лўппи очилган дурдоналарни чамалаб чиққан звено азаматлари: «Ҳа, ваъдамизнинг устидан албатта чиқамиз, йил бўйи қилган хизматимиз зое кетмаб ди», — дейишяпти. Дарҳақиқат катта хирмон иштиёқида меҳнат қилаётган деҳқонларнинг далаларида мажбуриятни тўла қоплай оладиган пахта ҳосили етиштирилган. Ҳосилнинг ҳаммаси машиналар билан териб олинади.

СОБИР АБДУЛЛА ЮБИЛЕЙИ

7 сентябрда Тошкент жамоатчилиги, республика шаҳар ва қишлоқларининг вакиллари Собир Абдулла туғилган кунинг 60 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 40 йиллигига бағишланиб ўтказилган юбилей кечасига тўпландилар. Машҳур шоир ва драматург, Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Собир Абдуллани каламкаш дўстлари, китобхонлар табрикладилар.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Саҳибоев Собир Абдуллага «Узбекистон ССР халқ шоири» деган фахрий унвон бериш тўғрисида Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб эшиттирди. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов адибга халқ шоири унвони бериш тўғрисидаги ёрлиқни топширди ва Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети ва Олий Совети Президиумининг юбилярга йўллагач табригини ўқиб берди.

Филология фанлари доктори Лазиз Қаюмов Собир Абдулла ижоди тўғрисида доклад қилди.
(ЎзТАГ).

ЭСТАФЕТА ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Баҳорги майин шабада ёш ниҳоллариниг ям-яшил япроқларини оҳиста тебратади. Бу ниҳоллар 14 Тошкент Комиссарларига ўрнатилган ҳайкал атрофида саф тортган жангчилардек мағрур турибди. Туркистонда бўлган Октябрь жангларида жасорат кўрсатган бу жасур кишилар гўё ҳаммамизни порлоқ келажак сари ўзлари билан бирга бошлаётгандек.

Унутилмас Ленин кунларида офицер Рижиков бошчилигида бўлинма жангчилари ҳам бу ерга келишди. Улар кичина тепаликда панжарага суянган ҳолда турган қарироқ, лекин ҳали бардам, юзларига майда ажин оралаган аёлни ўраб олишди. У ёш солдатларга меҳр билан боқиб, шошмасдан, майин оҳангда инсоният тарихида янги саҳифа очган кунлар ҳақида, Ленин партияси раҳбарлиги остида ҳаётни қайта қурган кишилар ҳақида ҳикоя қиларди. Бу Шамсиқамар Ғойибжонова эди.

Шамсиқамар Ғойибжонова катта ва мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтди. У Урта Осиёда Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг партия ва Совет ташкилотлари ишида актив иштирок этиб, хотин-қизларни озодликка чиқаришда, уларни маданий революцияга жалб қилишда кўп куч ва ғайратини сарфлади.

Совет халқининг доҳийси ва устози В. И. Ленин билан бўлган унутилмас учрашув Шамсиқамар опа учун қимматли хотира бўлиб қолди. Шарқ хотин-қизларининг биринчи делегацияси составида у Москвага бориб, Ленин қабулида бўлган эди:

— Владимир Ильич Ленин биз-га социализм ва коммунизм ҳақидаги улуғ таълимотни, бой назарий меросни қолдирди, — дейди у. — Чиниққан ленинчилар, партия ва халқ иши учун чинакам курашчилар бўлиш учун сиз ленинизмни қунт билан эгаллашингиз, душманни енгишни Лениндан ўрганишингиз лозим. Сиз қурол-ли ҳимоячиларимизга улуғ доҳий ҳушёр бўлишни, ҳарбий билимни қунт билан ўрганишни, Октябрь ғалабаларини кўз қорачиғидай сақлашни васият қилган эди. Ильич васиятларини доимо эсда тутинг ва унга амал қилинг.

Кенса коммунистнинг сўзлари жангчилар қалбида катта таассурот қолдирди. Улар ўзларининг аъло ўқишлари, намунали хизматлари билан совет халқи ва унинг қуролли қучларининг жанговар ва революцион традицияларини давом эттириб, бундан буён ҳам кенса авлод эстафетасини ўз қўлларида муносиб олиб боришга ваъда бермоқдалар.

Жангчилар Тошкентнинг бошқа тарихий жойларига ҳам экскурсиялар қилишди. Уларга Туркистондаги гражданлар уруши ва революция ветеранлари — кенса коммунистлардан Редько, Нагаев ва Ерматов ўртоқлар ҳамроҳ бўлишди. Улар ва Революцион шуҳрат клубининг бошқа аъзолари бўлинмадаги Ленин хонаси совети билан мустаҳкам, дўстона алоқа боғлаб, жангчилар билан самимий учрашувлар ўтказмоқдалар. Армиядаги ёшларни Коммунистик партияга, халққа ва Ватанга чексиз садоқат руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. ВЛКСМ бюроси аъзоси Елкин бошчилигидаги бўлинманинг комсомол активистлари бой революцион традицияларга эга бўлган Октябрь революцияси номли заводнинг донгдор ишчилари билан тез-тез учрашиб туришади.

Яқинда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Қодиров бошчилигидаги коммунистик меҳнат бригадаси коллективи билан бўлиб ўтган учрашув жангчиларда унутилмас таассурот қолдирди. Улар қисм тарихи билан яқиндан танишиш, жангчиларнинг янги авлоди уруш қатнашчиларининг шонли традицияларини қандай давом эттираётганликларини билиш учун жанговар шуҳрат хонасига келишди. Улар ўзларининг ишлаб чиқаришда эришаётган ютуқлари ҳақида, етти йилликнинг сўнгги йили топшириқларини корхона муваффақиятли адо этаётгани ҳақида ҳикоя қилиб бердилар. Бу бригада ишчиларининг меҳнатда эришган ютуқлари ҳақида ҳамда бўлинма шахсий составининг жанговар ва сиёсий тайёргарликда эришган ютуқлари ҳақида бирбирларига ҳисобот бергандек бўлди.

Ҳар бир учрашув халқ билан армия бирлигини мустаҳкамлаш ҳақидаги Ленин васиятларининг жонли ифодаси бўлиши билан бирга, бизнинг қуролли қучларимиз жангчилари билан меҳнаткашлар ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланиб бораётганини намойиш қилувчи ёрқин далилдир.

Ю. ПЕТРОВ.

ЛОЧИН ФАЗИЛАТИ

Ажойиб оналаримиз, опа-сингилларимиз бор-да! Уларнинг кундалик ҳаёти, қаҳрамонона меҳнати, оилага севги ва муҳаббати, коллективга чексиз садоқати барча энг гўзал инсоний фазилатларни мужассамлаштиргандек. Ҳа, улар одамийлиги, сабр-тоқат ва матонатлиги, Ватан бахт-саодати йўлида ҳормай-толмай ижод қилишни, фақат меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб ишлашни дунёда энг улуғ ва қутлуғ инсон Владимир Ильич Лениндан ўрганганлар. Зотан, Лениннинг буюк таълимоти инсонликнинг онгини ўзгартириб юборди, уни ҳаётни яхши кўра билишга ундади.

Назира опа. Йўлдошева ҳам ленинча яшаш, ижод қилиш, изланиш йўлидан бориб, ўсиб-улғайган қамтарин ҳотин-қизларимиздан. У ўз тақдирини колхоз ишлаб чиқариши тақдири билан чамбарчас боғлади. Дастлаббол, Сирдарё районидаги собиқ «Ҳақиқат» колхозида оддий колхозчи бўлиб ишлади. Ушанда кўпчилигининг иззат-ҳурматига сазсвор бўлди. Одамлар уни энг яқин кишисидек ҳис қила бошладилар. Ниҳоят, Назира Йўлдошевани пахтачилик звеносига бошлиқ қилиб кўтаришди.

Энди у звено иши учун бевосита жавоб бериши керак эди. Пахта ҳосилдорлиги эса ўз-ўзидан ошавермайди. Бунинг учун звено бошлиғининг ўзи ташаббус кўрсатиб меҳнат қилиши, бошқаларга қараганда кўпроқ ва самарадироқ ишлаши, одамларнинг қалбига йўл топиб, ҳаммасини меҳнатда янги муваффақиятларга ундаши талаб қилинарди. Назира звено аъзолари билан тушунгандек бўлиб кетди.

— Камтарлик — Лениннга хос фазилат, камтарлик — бу кишининг зеби-зийнатидир, — дерди Назира Йўлдошева.—Бошқаларни қанча ҳурмат қилсанг, сен ҳам шунча обрў-эътибор топасан.

Бу сўзларда қанчалик ҳикмат борлигини ҳаёт тасдиқлади. Колхозда юз центнерчилар ҳаракатининг ташаббускори бўлган, пахтадан юқори ҳосил етиштиришда рекорд қўйган Назира Йўлдошевага 1947 йили Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

Оддий ўзбек қизи Назира Йўлдошева бир неча йиллардан буён Сирдарё районидаги Ленин номли колхозга раислик қилиб, шу даврнинг ичида колхоз экономикасини мустаҳкамлаш, колхозчилар фаровонлигини ошириш, қишлоқни қайта қуриш ва бошқа ишларда жасорат кўрсатди. Ўз билимини, куч-қувватини, ғайрат-шижоатини аямади. Колхоз районда эмас, областда, ҳатто республикамизда машъал хўжаликлардан бири бўлиб қолди. Бир мисол: ўтган йили гектаридан 27,7 центнердан пахта ҳосили кўтарилди. Колхозчилар давлатга пландаги 4260 ўрнига 4896,5 тонна «оқ олтин» топшириб бердилар.

Илгари қолоқ бўлган бу хўжалик ана шундай юксакликка кўтарилди. Бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказиш учун қизғин кураш олиб борилмоқда. Бу ишларнинг ҳаммасида колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назира Йўлдошеванинг изи бор.

Назира Йўлдошева ҳам раис, ҳам оддий, лекин олий колхозчи. Катта хўжаликнинг онабошиси, мураббийси. Уни она ҳамиша далада — колхозчилар орасида, ишдан бўш вақтларида эса оилаларда учратасиз.

Бу ўринда бир воқеага тўхталмасдан илож йўқ. Колхозга комиссия келиб қолди. Комиссия раиси пахта далаларини раиса билан бирга айланажагини айтди. Назира опа бу таклифни бажонидил қабул қилди. Иккаласи эрталабдан қош қорайгунча далада бўлишди, пахтазорларни синчиклаб кўздан кечиришди. Комиссия раиси, учинчи бригадада гўзалар ривожланишдан қолганини, сувдан нотўғри фойдаланиб қўйганлигини айтди. Бу масалани колхоз коммунистлари муҳокамасига ҳавола қилиш лозим топилди.

Кечқурун барча коммунистлар йиғилишди. Лекин Назира опа кўринмасди. Шунда комиссия раиси колхоз партия ташкилотининг ўша вақтдаги секретари Жаъфар Шамшиевдан сўраб қолди:

— Раисингиз партия йиғилишига қатнашмайдими?

Секретарь ноқулай аҳволда қолди. Шундай бўлса-да, бирор нарса дейишга тили бормади. Комиссия раиси ҳадеб сўрайверганч, очиғини айтди:

— Назира опани боғлига туғруқхонага олиб кетдилар...

Комиссия раиси ҳайрон бўлди. Фарзанд кўриш олдида ҳам колхоз ишини бирор дақиқа тарк этмай, кун бўйи далама-дала кезиб юрган раисга қойил қолганлигини айтди. Колхоз ишлаб чиқаришининг чинакам командирлари, чўл лочинлари ана шундай фазилатга эга бўладилар, деди у.

Бунга ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. Назира опа меҳнат қилиб улғайган, меҳнатдан бахт топган кишидир.

Шундай! Сирдарё лочини Назира Йўлдошеванинг ибрат олса арзигудек ажойиб фазилатлари бор. У қанча ишлаб чарчамасин, барибир китобни канда қилмайди. Улуғ Ленин асарларини қўлдан қўймайди. Чунки, Ленин сиймосида жаҳонда тенги йўқ мураббий, доно, ҳақиқий инсонни кўради, ундан ўрганади, унга ҳавас қилади.

Қани энди, ҳар бир раҳбар шундай бўлса.

Самад ҚОДИРОВ.

ИБРАТ

Бизнинг жангчиларимиз ҳамиша ва ҳамма ишларида, ҳаётнинг Ильич ҳаётига қараб ўлча, Ильичга қараб қадам ташла, Ватаннинг қудратини мустаҳкамлаш йўлида кучингни аяма, деган шиор остида хизмат қиладилар. Социалистик Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишда комсомолларга коммунистлар ибрат бўлмоқдалар.

Комсомол аъзолари оддий солдатлардан Бадалбоев ва Мусурмонқулов лар зиммасига қаттиқ синов тушди. Қоровул бошлиғи комсомол младший сержант Ортиқов билан биргаликда улар темир йўл узра ҳарбий юкни кузатиб боришар эди. Постда турган соқчи Мусурмонқулов составдаги цистернадан ёнилги тўкилаётганини кўриб қолди. Шу пайт ёнғин ҳам кўринди. Жангчи бўлган воқеани дарҳол командирига айтди.

Комсомол Ортиқов воқеа содир бўлган жойга югуриб келди. Противогазни кийди-да, солдатларга ҳам худди шундай қилишиқ буюрди. Алангани ўчиришга киришдилар. Аланга ўз вақтида ўчирилмаган тақдирда бензин қуйилган бошқа цистерналарга ўтиб кетиб, катта ёнғин рўй бериши мумкин эди.

Ёнғиннинг олди олинди. Ердамга етиб келган темир йўлчилар цистернанинг шикастланган жойини тузатдилар.

Цистернадан бурқсиб чиққан тутундан юзлари қорайиб кетган солдатлар ёнғинни ўчиришда сабот-матонат кўрсаттан коммунист Ортиқовга меҳр билан қарардилар.

В. ШЕПЕЛЕВ,
оддий солдат.

Фронт йўлларида

ЮЗМА-ЮЗ

Снаряд ва миналар деярли ҳар минутда портлаб турибди. Ер ларзага келяпти. Минглаб оёқ, ғилдирак ва танкларнинг занжири остида эзилган, остин-устин бўлиб кетган ердан кўкимтир чанг кўтарилмоқда. Уйлар, экинлар, дов-дарахтлар ёнмоқда... Солдатларнинг оёғида мадор қолмаган. Уларнинг чанг босган юзидан тер оқади. Беҳосдан кимдир юришдан тўхтайди, бир-икки секунд қимирламай қолади, сўнг худди қаттиқ уйқудан уйғонгандек афсусланади, атрофига аланглаб қарайди. Шошиб-пишиб қўли билан юзини артади-да, яна йўлида давом этади. Ким билади дейсиз, у юзидаги терни артдими ёки солдатнинг кўзидан камдан-кам келадиган ёшни сурдими.

Қингир-қийшиқ дала йўли шарққа олиб боради. Кундузи ана шу йўл устига душман самолётлари узлуксиз шўғиб нари кетмаган бўлса, кечаси ёнғиннинг шуъласи узоқдан кўринган пайтда артиллерия отишмаси кучаяди. Снарядлар бўғиқ овоз билан одамларнинг ёнғинасида портлар, ҳолдан тойган солдатлар устига чанг-тўзонини ёғдирарди, порох тутунидан уларнинг нафаси қайтарди.

Старший лейтенант Рижковнинг ротаси бир неча кеча-кундуз мудофаа жанглари олиб борди, бир кунда уч-тўрт марталаб душманнинг ҳужумини қайтариб турди. Кечқурун янги маррага чекиниш ва у қадар катта бўлмаган шаҳарнинг чеккасида мудофаага ўтиш ҳақида буйруқ олинди. Бутун тун давомида солдат ва сержантлар окоплар қазишди, пулемётни яширадиган жойлар тайёрлашди, танкларни қирувчилар учун чуқурлар ҳозирлашди. Қаттиқ кулранг ерни қазиш қийин эди. Чунки уни дарахтларнинг илдизлари қоплаб олганди.

Эрталаб разведкачилар қайтиб келишди. Улар кўнгилсиз хабар келтиришди: гитлерчилар ўрмонда пиёда аскарлари ва танкларини тўпламоқда, янги ҳужумга тайёрланмоқда эдилар.

Чарчаган ва ҳаяжонга тушган рота командири душман томонига синчиклаб қаради. Солдатлар ўз ишлари билан банд эдилар. Уларнинг айримлари топширилган ишни тамомлаётган бўлса, бошқалари автомат ва пулемётлар билан окопларда ҳушёр туришар, ўрмондан кўз узишмасди. Жанг олдидаги ҳаяжонли минутлар эди бу.

— Ўртоқ старший лейтенант, сизни телефонга чақиришяпти, — деди,—югуриб келган сержант Тошпўлатов.

— Рижков эшитаяпти,— деди дарҳол етиб келиб телефон трубкасини олган старший лейтенант.—Гапингизга тушундим, — кимгадир телефон трубкасига бақириб жавоб берарди командир.

Ўртага жимлик чўкди. Рижков турган жойида қотиб қолди. Телефонда яна жон пайдо бўлди ва старший лейтенантга старший командир билан гаплашганда узилиб-узилиб эшитилган ноаниқ ҳаяжонли сўзлар худди ҳеч нарса тушунмайдигандек бўлиб туюлди.

Фақат бир нарса аниқ эди ва бу сўзлар Рижковнинг қулоғини найзадек теши̇б юборди.

— Гитлерчилар мудофаа линиясини ёриб ўтишди. Кўприкни қўлдан берманг. Складларни портлатишга тайёргарлик кўринг, — батальон командирининг ана шу сўзлари эшитилди.

— Ўртоқ старший лейтенант, ярангизни йиллари билан банд эдилар. Уларнинг айримлари топширилган ишни тамомлаётган бўлса, бошқалари автомат ва пулемётлар билан окопларда ҳушёр туришар, ўрмондан кўз узишмасди. Жанг олдидаги ҳаяжонли минутлар эди бу.

— Ўртоқ старший лейтенант, сизни телефонга чақиришяпти, — деди,—югуриб келган сержант Тошпўлатов.

— Рижков эшитаяпти,— деди дарҳол етиб келиб телефон трубкасини олган старший лейтенант.—Гапингизга тушундим, — кимгадир телефон трубкасига бақириб жавоб берарди командир.

Ўртага жимлик чўкди. Рижков турган жойида қотиб қолди. Телефонда яна жон пайдо бўлди ва старший лейтенантга старший командир билан гаплашганда узилиб-узилиб эшитилган ноаниқ ҳаяжонли сўзлар худди ҳеч нарса тушунмайдигандек бўлиб туюлди.

Фақат бир нарса аниқ эди ва бу сўзлар Рижковнинг қулоғини найзадек теши̇б юборди.

— Гитлерчилар мудофаа линиясини ёриб ўтишди. Кўприкни қўлдан берманг. Складларни портлатишга тайёргарлик кўринг, — батальон командирининг ана шу сўзлари эшитилди.

— Ўртоқ старший лейтенант, ярангизни йиллари билан банд эдилар. Уларнинг айримлари топширилган ишни тамомлаётган бўлса, бошқалари автомат ва пулемётлар билан окопларда ҳушёр туришар, ўрмондан кўз узишмасди. Жанг олдидаги ҳаяжонли минутлар эди бу.

— Қаттиқ огрияптими?— раҳимдиллик билан сўради Тошпўлатов.

— Огриянти, — тан олди Рижков.

Яна телефон жиринглади.

— Эшитаман. Тушунарли! «Дазмол» керак,— аниқ гапирди рота командири.

Орадан кўп ўтмай узоқда келаётган танклар моторининг гувиллаган товуши эшитилди. Солдатлар гапирмасдан бир-бирларига қараб олишди. Улар гўё бир-бирларидан «бизнинг танкларми?» — дея сўрашмоқда эди. Шу вақт «Т-34» бог томонга бурилиб, дарахтнинг тагига келиб тўхтади. Унинг тепасидаги люкдан танкчи чиқди.

Танкнинг пайдо бўлиши жангчиларни дадиллаштирди. Айни вақтда бу уларни ҳушёр тортти̇рди ҳам. «Афтидан танк бекорга келмади, жанг бўлиши керак»,— деб ўйлашди солдатлар. Улар худди команда берилгандек окопларни чуқурлаштира бошлашди.

Старший сержант Тошпўлатов командирнинг бошини бойламоқда эди. Улар ўз ишлари билан банд бўлиб, орқаларидан кимдир келганини сезмай қолишди. Ўгирилиб танкчини кўришди.

— Танишайлик. Лейтенант Жарабин.

Танкчи яна сўзида давом этиб:

— Энг муҳими — қўрқмаслик. Мудофаа мустаҳкам, биз уларга кўрсатиб қўямиз... — деди. Танкчи окопдан ҳатлаб ўтиб, ўз машинаси томон йўл олди.

— Ўртоқ лейтенант! — деб чақирди старший сержант.

— Ҳа, — тўхтади у.

— Хабарингиз йўқми, улар қанча экан?

— Хабарим йўқ. Билишнинг нима ҳожати бор? Қанча бўлмасин, йўлини тўсамиз, душманнинг шаҳарга ёриб киришига йўл қўймаймиз.

Танк гир айланиб, буталарни янчиб ўтиб, йўлнинг нариги томонидаги қалин дарахтзор ичига кириб кетди.

— Афтидан жасур кўринади,— деди старший сержант.— Немислар нима учун шаҳарга ёриб киришни хоҳлашяпти.

— Гитлер шундай буйруқ берган. Немис солдатларидан кимки шаҳарга биринчи бўлиб кирса, у уч кун ароққа тўйдирилади. Шунинг учун улар ўрмалаб келишяпти. Уларнинг мақсади шаҳарни қўлга олиш.

Старший сержант рота командирига тикилиб қаради-ю, уялиқираб сўради:

— Ўртоқ старший лейтенант, сиз Гитлернинг буйруғини қаердан эшитдингиз?

— Сиёсий информацияга бориб туриш керак. Бугун партия ташкилотчиси шу ҳақда гапирди.

— Демак кайфларини чоғ қилишмоқчи.

— Шуни хоҳлашаётган бўлса, насибаларига ярашасини олишади.

Тонготарда рота устига ўқ ёмғири ёғдирила бошланди. Снарядлар ҳеч қачон бу қадар аниқлик билан портламаган эди. Жангчилар иккита траншеяда ўтиришарди. Уларнинг юзи жиддий, ҳеч ким оғиз очмайди. Ҳавода эса ҳамма товушлар бир-бирига аралашиб кетди. Снарядлар портлашининг тобора кучайиб бораётган товуши ҳам, улардан атрофга сочилаётган парчаларнинг чинқириғи ҳам аралаш-қуралаш бўлиб эшитиларди.

Рижков бошини қўли билан бекитиб олиб, снарядларнинг товушидан улар қаерда портлаётганлигини билишга уринарди. Бироқ бунинг имкони бўлмади.

У фақат осмонга олов пурковчи тўп ўқларининг учишини-ю, ҳаммаёқни қоплаб олган чангни кўрарди, холос.

Старший лейтенант аввал йўл томонга, сўнг ўрмон томонга қаради ва тўсатдан унинг ичидан чиқиб келаётган танкларни кўрди.

— Ҳамма жой-жойини эгалласин! Жангга тайёрланинг! — деб команда берди.

Узоқдан танклар худди ўрмалаб келаётган пичан уюмига ўхшаб кўринарди.

— Ифлослар! Адабингизни бериб қўямиз, — дейишди солдатлар. Улар қуролларини борган сари қаттиқроқ қисишар, душман устига ёпирилишга тайёр бўлиб туришарди.

Танклар тезлик билан яқинлашарди. Улар билан рота командирининг окопи ўртасидаги масофа тезлик билан қисқариб борарди. Олдинда келаётган танк дарахтларга қараб пулемётдан ўт очди. Унинг кетидан бошқалари ҳам ўқ уза бошлади.

Танклар олдинги маррага яқинлашиши билан рота кучли ўт очди. Пулемётлар сайрай бошлади, танкка отувчи қуроллар ишга солинди. Снайперлар ёндирувчи ўқларни отишарди. «Т-34» эса ҳамон жим турарди. Рижков танк турган томонга қаради ва дарахтлар барги орасидан тўп стволини кўрди. Танк тўпининг оғзи бир оз ўнга бурилди ва кутилмаганда ўқ отилди. «Эҳ, тўғри нишонга ололмади!» — ўйлади Рижков. Тўпдан яна ўқ овози чиқди. Бироқ немисларнинг олдинда келаётган танки ҳеч нарсани парво қилмай юришда давом этарди.

— Агар у ишдан чиқарилмаса-чи?

Бу хаёл Рижковнинг ҳалқумига тиқиларди. Ларзага келган ер мувозанатини узил-кесил йўқотиб, худди чаппа ағдарилгандек бўларди.

— Тошпўлатов, — деб қичқирди старший лейтенант. — Гранаталар ишга солинсин!

Тошпўлатов ўрнида турди-да, гранаталар шодасини қулочкашлаб танк ғилдираги остига ирғитди. Худди шу вақтда оғриқ ва ҳорғинликдан азоб чекаётган Рижков ҳам бир шода гранатани улоқтирди. Кетма-кет портлаш юз берди.

Чап томондан тўпнинг овози эшитилди. «Бизнинг танкимиз ура бошлади»—фаҳмлади Рижков.

Рижков ва Тошпўлатов ўз кийим-бошларидаги тупроқни қоқиб, ўринларидан туришди-да, душман томонга қарашди. Душманнинг олдинда келаётган танки ер тишлаб қолган эди.

Душман ер билан яксон қилинди. Рота жангчилари мард танкчиларимизга офарин дейишди. Улар қувончининг чеки йўқ эди. Старший лейтенант Рижков ва старший сержант Тошпўлатов бир-бирларини қучоқлаб ўпишди.

Тепалик орқасидан бир группа ҳарбийлар чиқиб келишди. Уларнинг олдида батальон командири келарди. Рота саф тортди.

— Ўртоқ старший лейтенант! Буйруқ бекор қилинади. Омборлар ва қўприклар портлатилмайди, ўзимизга керак бўлади улар.

И. СИДЕЛЬНИКОВ.

ТАСС БАЁНОТИ

Икки қўшни давлат — Ҳиндистон билан Покистон ўртасида яқинда Кашмир районида қуролли можаро бошланиб кетганлиги совет матбуотида хабар бериб ўтилган эди. Кескинлик бўшаши у ёқда турсин, балки, нейинги хабарларга қараганда, уруш ҳаракатлари тобора кенгаймоқда, бу ҳаракатлар райони Кашмир доирасидан ҳам чиқиб кетди. Кашмирдаги жангларни тўхтатиш тўғрисида 1949 йилги Ҳиндистон—Покистон битимида белгиланган линия ҳақиқатда бир неча жойда бузилди. Уруш ҳаракатларига ҳар иккала томондан катта ҳарбий қўшилмалар ишга солинди, уруш ҳаракатларида танклар ва авиация ишлатилмоқда.

Чет эл телеграф агентликларининг хабар қилишларига қараганда, Покистон қўшинлари Ҳиндистон территориясининг бир неча ўн километр ичкарисига кириб кетди. Рейтер агентлигининг 6 сентябрда берган хабарида айтилишича, айни вақтда Ҳиндистон мудофаа министри Я. Чаван парламентда гапириб, «Ҳиндистон қўшинлари Панжобда Лохур атрофларида давлат чегарасидан ўтдилар» деди. Ҳиндистон авиацияси Ғарбий Покистон районига жанговар топшириқлар билан учмоқда. Телеграф агентликларининг хабарларида айтилишича, Ҳиндистон бош министри Кашмирдаги вазиятга «Ҳиндистон билан Покистон ўртасида бўлаётган чинакам уруш» деб баҳо берди. Покистон президенти Аюбхон 6 сентябрда радио орқали гапириб, айтдики: Покистон «уруш ҳолатида турибди», «Мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий қилинди». Қурбон бўлаётган кишиларнинг сони кун-дан-кунга кўпайиб бормоқда. Фақат солдатларгина эмас, шу билан бирга тинч аҳоли ҳам ҳалок бўлмоқда. Осиёнинг шу районида вужудга келган жиддий аҳвол ҳозир мана шундай.

Шу нарса шубҳасизки, Кашмир районидаги қуролли можаро томонларнинг ҳеч бирига — Ҳиндистонга ҳам, Покистонга ҳам манфаат келтириши мумкин эмас. Шу райондаги воқеаларнинг ҳозирги ривожланиши мустамлакачилик асоратидан қутулган давлатларни бир-биридан ажратишга ва бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйишга интилаётган ташқи кучларгагина қўл келади. Бу кучлар Ҳиндистон билан Покистонни бир-бири билан уруштиришга интилиб, улар ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилишига тўсқинлик қилмоқ учун Кашмир масаласидан фойдаланишга ўтмишда ҳам неча марталаб уриниб кўрган эдилар. Улар ҳозир ҳам тинчликнинг мустаҳкамланишидан бенисоб манфаатдор бўлган Ҳиндистон ва Покистон халкларининг миллий манфаатларига зид бўлиб тушаётган ўз мақсадларини кўзлаб, Ҳиндистон билан Покистонни қон тўкишни кенгайтиришга гиж-гижламоқдалар. Ҳиндистон ва Покистон халкларига ўз давлатларини ривожлантиришнинг кўпгина мураккаб ва муҳим проблемаларини ҳал этмоқ учун тинчлик керак.

Осиёдаги иккита катта давлат — Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги қуролли можаро янада кенгайиш йўлидан бораётганлиги Жанубий ва Шарқи-Жанубий Осиёда АҚШнинг Вьетнам халқига қарши агрессияси натижасида вужудга келган ва шу-сиз ҳам кескин бўлган вазиятни тағин ҳам кўпроқ алангалатмоқда.

Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги ҳарбий можаро тинчликни сақлаш ишини ҳамиша қадрлаб келган Совет Иттифоқини жиддий ташвишга солмоқда. Совет Иттифоқи чегараларига бевосита туташган райондаги шу можаро содир бўлаётганлиги бундай ташвишни тағин ҳам кучайтирмоқда.

Совет Иттифоқи суверен давлатлар ўртасидаги низоли масалалар музокаралар олиб бориш йўли билан, тинч воситалар билан ҳал этилсин, деб талаб қилиб келди ва талаб қилмоқда. Совет кишилари Ҳиндистон—Покистон можаросида вужудга келган аҳволнинг бутун мураккаблигини тушуниб, Ҳиндистон билан Покистон давлат арбоблари қуролли можаронинг авж олиб кетиши натижасида келиб чиқадиган оғир оқибатларни англаган ҳолда реализм асосида чидам билан иш олиб борсалар, Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш имкониятини топиш мумкинлигига ишонадилар.

ТАСС қуйидагиларни айтишга ваколат қилинди: Совет ҳукумати иккала томонни — ўзининг қўшилмаслик сиёсати халқаро миқёсда кенг эътироф қилинган Ҳиндистонни ҳамда Покистонни,— уруш ҳаракатларини дарҳол тўхтатишга ва 1949 йилда Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги битимда жангларни тўхтатиш тўғрисида белгиланган линиянинг нариёғига ўз қўшинларини олиб бориб кўйишга, қўшинларни уруш ҳаракатлари бошланмасдан олдин турган территориясига қайтаришга чақирди.

Совет Иттифоқи Ҳиндистон билан Покистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави ва Бандунг принциплари руҳида ҳаракат қилиб, можарони тинч йўл билан бартараф қилиш хусусида музокаралар бошлайдилар, деб кутади. Совет ҳукумати, ҳар иккала томон Совет Иттифоқининг эзгу ният билан ҳамкорлик қилишига ёки одатдаги ибора билан айтганда ҳар иккала томон фойдали деб топсалар. Совет Иттифоқининг холис ҳиммат кўрсатишига умид қилишлари мумкин, деб айтди.

Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги ҳозирги можарони бартараф қилиш кечиктириб бўлмайдиган ишдир. Бу ҳол эътироф қилинаётганлиги, жумладан, Хавфсизлик Кенгашининг 4-6 сентябрдаги мажлисларида бир овоздан қабул қилинган резолюцияларда ўз ифодасини топди.

Ҳар иккала томоннинг сабрли бўлиши ва холис ният билан иш қилиши воқеаларнинг хатарли йўлга тойиб кетишига йўл қўймасликка ва можарони тинч ҳал қилиш йўлини топишга ҳеч шубҳасиз имконият беради. Совет Иттифоқида умид билдирилиб шуни айтмоқдаларки, Ҳиндистон ва Покистон раҳбарлари Ҳиндистон ва Покистон халклари дўстларининг овозига қулоқ солурлар. Совет ҳукумати яна шу нарсага ҳам умидворлики, Ҳиндистон ва Покистон давлат арбобларининг аҳволни тушунишдаги ва унга баҳо беришдаги донишмандлиги тантана қилажак ва икки қўшни мамлакат ўртасида тинчлик яна тикланажак.

ҚУЁШ НУРИ БИЛАН ИСИТИЛАДИГАН ҚОЗОН

ЗАПОРОЖЬЕ. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалигини электрлаштириш илмий тадқиқот институтининг Запорожье филиалидаги олимлар мева ва сабзавотларни қоқи қилиб қуритиб берадиган тажриба установкаси яратдилар. Бу установка қуёш нури билан иситиладиган қозонга ўхшаш қоқи қилинадиган камера, электр калорифер ва ҳавони қизитувчи қуёш аппаратидан иборат. Қуритувчи камера кундуз куни ишлайди, қолган вақтда эса унинг вазифасини — қуритувчи камера учун ҳавони қизитиб бериш вазифасини электр калорифер бажаради. Қуёш нури билан иситиладиган бу қозондан фойдаланиш туфайли электр энергия сарфлаш 40-60 процент қисқартирилади ва қуруқ меваларнинг таннархи 26 процент камайтирилади. Бу қозоннинг конструкцияси унчалик мураккаб эмас. Уни ҳар бир колхоз ва совхоз ўзи ясаб олиши мумкин. Уни қуриш учун сарфланган маблағ тўрт йил фойдаланиш натижасида тўла равишда қопланади. (ТАСС).

Турли мамлакатларда

ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

ОТТАВА. 7 сентябрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Я. В. Пейве бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси бугун Канада пойтахтига келди. Совет парламент аъзолари парламентлараро Иттифоқнинг эртага, 8 сентябрда очиладиган 54-конференцияси ишида қатнашади.



Лас Вильяс провинциясидаги Анабанилья қўли қирғоғида қурилган «Робустиано Леон» гидроэлектростанцияси электр энергияси бера бошлади. Уч навбатда қуриш кўзда тутилган бу станциянинг иккинчи навбат қурилиши ҳам тугалланди. Электростанция энг янги ускуналар билан жиҳозланган. Суратда: станциянинг диспетчерлик хонасида.

Пренса Латина—ТАСС фотоси.

ЮКСАК СУРЪАТ

БУГУН БОЛГАР ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — ОЗОДЛИК КУНИ

Болгария Халқ Республикаси социализм йўлидан бориб, эркин ҳаёт йўлига ўтган 21 йил ичида экономика, фан ва маданият соҳасида катта ғалабаларга эришди. Болгария қолоқ мамлакатдан оғир саноати тез ривожланаётган, қишлоқ хўжалиги кооперативлаштирилган ва механизациялаштирилган, тараққий этган индустриал-аграр давлатга айланди.

Болгария социалистик индустрияси қудратли энергетика базаси вужудга келтиришни кўзда тутади. Ўтган йили электр энергияси ишлаб чиқариш 1939 йилги даражадан 33 баравардан зиёдроқ кўпайиб, 8698 миллион киловатт-соатга етди. Республика кўмир саноати ҳозирги замон техникаси билан мунтазам равишда таъминлаб борилмоқда. Ҳозир ҳар йили 25,5 миллион тонна еки урушдан олдинги даражадан 11,5 баравар кўп кўмир қазиб чиқарилянти. Капиталистик Болгария даврида фақат курташларигина мавжуд бўлган қора ва рангли металлургия халқ ҳокимияти йилларида гуркираб ривожланди. Пўлат ишлаб чиқариш йилига 475 минг тоннага, қўрғошин — 87 минг тоннага, рух—59 минг тоннага, электролиз миси ишлаб чиқариш 21 минг тоннага етди.

Химия саноати Болгария экономикасининг янги тармоғидир. Халқ ҳокимияти йилларида ўнлаб янги корхоналар қурилди. Ўтган йили республика кооператорлари 1 миллион тоннадан зиёд минерал ўғит олдилар. Мамлакатимизда чиқариладиган нефть базасида нефть химияси ривожлана бошлади. Машинасозлик халқ хўжалигини ўз маҳсулотлари билан таъминлаб турибди ва бундан ташқари бир қисм маҳсулотларини чет мамлакатларга чиқармоқда.

Қишлоқ хўжалигининг тўла кооперативлаштирилганлиги, механизациялаштирилганлиги, суғориладиган майдонлар кенгайтирилганлиги натижасида мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш урушдан олдинги даражадан икки баравар кўпайди. 1964 йилда ундан олдинги йилдагига нисбатан 15 процент кўп дон ва 25 процент кўп техника экилари етиштириляди.

Халқ хўжалигининг юксак суръатлар билан ривожланаётганлиги туфайли халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий даражаси доимо ўсиб бормоқда. Иш ҳақининг ўсиши шундан далолат бериб турибди. 1956 йилда меҳнаткашларнинг йиллик иш ҳақи ўртача 778 левни ташкил этган бўлса, 1964 йилда ўртача иш ҳақи бир минг левдан ошиб кетди. Шу вақт ичида аҳолига кенг истеъмол буюмлари сотиш икки баравардан зиёдроқ кўпайди. Жамоат фондлари аҳолининг турмуш даражасини оширишда катта роль ўйнамоқда. Бунпай фондлар сўнгги вақтда тахминан 4 баравар кўпайди. Пенсия белгиланиши, социал-страхование, бепул медицина ёрдами — буларнинг ҳаммаси халқ ҳокимияти қўлга киритган ютуқлардир.

Давлат меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келаётганлиги туфайли эндиликда эрканларнинг ўртача умри 68 йилни, аёлларнинг ўртача умри 71 йилни ташкил этмоқда.

Болгарияда ҳар 5 кишидан бири ўқимоқда. Бу йил мажбурий 8 йиллик таълим амалга оширилади. Ҳозир студентлар сони 82 минг кишига етди. Тахминан 126 минг меҳнаткаш ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқимоқда. Давлат мактаб ва институтлар қурилишига катта маблағ ажратаётир. Халқимиз Болгария коммунистик партияси раҳбарлигида янги ҳаёт қураётир. Мамлакатимиз қўлга киритган муваффақиятлар Совет Иттифоқининг дўстона, бегараз ёрдами билан, барча қардош мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлигимиз билан чамбарчас боғлиқдир.

П. СПИРКОВ,
профессор.

София, сентябрь.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОНГОЛИЯДА

ДАРХАН, 7 сентябрь. (ТАСС). Милитаристик Япония устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан Монголия Халқ Республикасида меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси Г. И. Воронов бошчилигидаги Совет делегацияси бугун эрталаб Монголия янги саноат районининг маркази бўлган Дархан шаҳрига келди.

Совет делегациясининг бу ерга келиши муносабати билан шаҳарда катта митинг бўлди. Шаҳарликлар томонидан самимий кутиб олинган совет делегациясининг бошлиғи Г. И. Воронов митингда нутқ сўзлади.

ҲИНДИСТОН—ПОКИСТОН МОЖАРОСИ

● НЬЮ-ЙОРК, 7 сентябрь. (ТАСС). Ассошиэйтед пресс агентлигининг Равалпиндидан олган хабарида айтилишича, Покистон ҳукуматининг вакили Покистон қўшинлари Кашмирда (унинг Ҳиндистонга қарашли қисмида) ҳужумни авж олдириб, яраш чизиғидан 18 миля шарқдаги Жаврион пунктини ишғол қилдилар, деган.

● ПАРИЖ, 7 сентябрь. (ТАСС). Франс пресс агентлиги мухбирининг Равалпиндидан хабар беришича, Покистон ҳарбий маъмурларининг вакили Покистон армияси Лохур шаҳри яқинида ҳинд қўшинларининг ҳужумларини даф этдилар, деган. Ҳиндларнинг Жассар, Вагах ва Бедиан атрофида уч томондан қилиб келаётган ҳужуми, деган сўнгра ўша вакил, тўхтатиб қўйилди, Покистон қўшинлари вазиятни тўла контрол қилиб турибдилар.

● ЛОНДОН, 7 сентябрь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Карочидан хабар беради: Покистонда резервдаги ҳамма кишилар ва собиқ ҳарбий хизматчиларнинг баъзи табақалари армияга чақирилганлиги эълон қилинди. Карочи, Лохур ва Равалпиндида қоронги тушгандан кейин чироқ ёқмаслик тартиби жорий этилди.

ЁШ АСТРОНОМЛАР

Шу кунларда Тошкент астрономик обсерваторияси халқаро ўқув марказ бўлиб қолди. 7 сентябрда бу ерда Ер сунъий йўлдошларини кузатувчиларнинг мактаби очилди. Тингловчилари социалистик мамлакатлардан келган бу мактабни СССР Фанлар академиясининг Астрономия кенгаши билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг физика-техника ва математика фанлари бўлими ташкил этди. Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Монголия, Польша, Руминия ва бошқа мамлакатлардаги кузатиш станцияларининг ходимлари совет мутахассислари билан бирга бу ерда космосдаги сунъий объектларни аниқ кузатишни ўрганадилар.

Ер сунъий йўлдошларини кузатувчиларнинг халқаро мактабини Тошкент астрономик обсерваторияси директори Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси В. П. Шчеглов очди, СССР Фанлар академияси Астрономия кенгаши раисининг ўринбосари А. Г. Масевич, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника ва математика фанлари бўлими раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси С. Х. Сирожиддинов меҳмонларни табриклидилар.

— Социалистик мамлакатларнинг фанлар академиялари, — деди А. Г. Масевич, — «Ер сунъий йўлдошларини кузатишлар ёрдами билан илмий тадқиқотлар олиб бориш» проблемаси бўйича 1962 йилдан бери кўп томонлама ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Шу ҳамкорлик доирасида социалистик мамлакатларнинг Фанлар академиялари ҳозирдаёқ бир неча коллектив ишни амалга оширмоқдалар. Уларнинг фаолиятини координациялаштириш учун ҳар йили илмий конференциялар ва кенгашлар ўтказилиб турилади. Ҳамкорликнинг янги шакли — Ер сунъий йўлдошларини кузатувчилар тайёрловчи мактаб ёки йил биринчи марта ташкил қилинмоқда.

Кўп томонлама тадқиқотларда СССРдаги иттифоқдош республикаларнинг ҳаммаси амалда иштирок этмоқда. Халқаро мактаб машғулотларини ўтказиш учун Тошкентнинг танлаб олинганги бежиз эмас. Бу ерда каттагина станция мавжуд бўлиб, космосдаги сунъий объектларни фотосуратга олиш соҳасида тажриба орттирилган. Тошкентда вақт хизмати яхши ишлаб туради ва осмон ҳамиша тиниқ бўлади. Совет олимлари кузатишлар олиб бориш-даги тажрибаларини ва илмий муваффақиятларини қардош социалистик мамлакатлардан келган ўз касбдошларига бажонидил гапириб берадилар.

Мактабнинг иши бир ҳафтага мўлжалланган. Шу вақт ичида ёш мутахассислар Ер сунъий йўлдошларини аниқ кузатиш ҳақида қатор лекцияларни тинглайдилар. Машғулотларнинг дастлабки кунида СССР Фанлар академияси Назарий астрономия институтининг директори, физика-математика фанлари доктори Г. А. Чеботарев мактаб тингловчиларига лекция ўқиб, Ер фигуралари назариясини аниқлаш учун йўлдошлардан фотография ускуналари ёрдами билан олиб борилган аниқ кузатишлардан фойдаланишнинг янги методларини гапириб берди. СССР Фанлар академияси Бош астрономик обсерваториясининг бўлим мудири, физика-математика фанлари кандидати Д. Е. Шчеглов космик геодезия проблемалари тўғрисида лекция ўқиди. Ёш мутахассислар радио сигналларини қабул қилиш ва йўлдошларни фотосуратга олиш юзасидан амалий машғулот ўтказадилар.

Ишингиз ўнгидан келсин, Ер сунъий йўлдошларини кузатувчи ёш астрономлар! (ЎзТАГ).

«Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори
М. ҚОРИЕВ.

«Фрунзевец» газетаси редакторининг ўринбосари
И. СИДЕЛЬНИКОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

9 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Тонгги концерт (Ўзб.). 6.45 — Гимнастика (Ўзб.), 7.35 — Эшиттиришлар программаси (Ўзб., рус.). 8.25 — Пахта терими илғорлари учун концерт (Ўзб.).

9.15 — «Совет Ўзбекистони». 9.23 —«Правда Востока». 9.53—«Ленин байроғи», 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — Чолғу куйлари (Ўзб.). 9.45 — «Коммунизм ва шахс» (тож.), 10.10 — Концерт (рус.), 10.30 — Болгария куйлари. 11.20 — Ўзбек кинофильм куйлари (Ўзб.). 13.00 — Чорвадорлар учун (Ўзб.). 13.40 — Г. Сахарова куйлайди (рус.). 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (Ўзб.). 16.15 — Композитор Пуччини (Ўзб.). 18.10 — Болгар халқ куйлари. 18.30 — Ўзбек классик куйлари (Ўзб.). 19.30 — «Пахтакор» (Тошкент) — «ЦСКА» (Москва) командалари ўртасида футбол. 20.45 — Партия ҳодими минбари (Ўзб.). 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт (Ўзб.). 22.00 — Болгар халқи байроми (Ўзб.). 22.10 — Концерт (Ўзб.). 22.40 — Болгария ҳақида қиқоялар. 23.10 — Келгуси кун эшиттиришлари. (Ўзб., рус). 23.20 — Музикали эшиттириш (Ўзб.).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

9 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Мультфильм** (болалар учун), 18.10 — **Қуролдош дўстлар** (ҳужжатли фильм). 18.30 — **«Пахтакор» (Тошкент) — «ЦСКА» (Москва) командалари ўртасида футбол** танаффус вақтида — **Телевизион янгиликлар.**

20.15 — **Эртага телевизор экранида.**

Ўзбек тилида: 20.20 — **Телевизион янгиликлар**, 20.35 — **Педагогик кадрлар макони** «Ёшлик» студияси, 21.35 — Одил Ёқубов. **«Видо»** (телетеатр).

22.15 — **Сўнгги янгиликлар** (Ўзбек, рус тилларида).

Рус тилида: 22.30 — **Вальтер Френцель** (телевизион бадиий фильмининг 5-серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Олмаота телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/IX да **Ўғил уйлантириш**, 10/IX да **Тошболта ошиқ.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Икки мушкетёр — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Денгиз қандай экан — СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 10 да). «ДРУЖБА» (кеч 7 ва 9 да).

Бизнинг дунёнинг тугаши — СОБИР РАҲИМОВ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Боксчи ва ўлим — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Кибальчиш бола ҳақида — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 2 да), «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб 10, 11 ярим ва кундуз 1 да), «ДРУЖБА» (эрталаб 11, кундуз 12, 2, 4 ва кеч 8 яримда), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

«Ы» операцияси ва Шуриннинг бошқа саргузаштлари — (эрталаб соат 10 ва 11-40 минутда), **Зелёная кўчасидаги уй** — (кеч 9-50 минутда), **Ёр-ёр** (кеч 8 яримда)— НАВОИЙ номли.

Икки киши (эрталаб соат 11 ва кундуз 3 да), **Сувда байрам**— (кундуз 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9 яримда) — САНЪАТ САРОЙИ.

Салбчилар — (кундуз соат 2 ва 5-15 минутда. **Қуёнчалар** (эрталаб 10 да) — «МОСКВА».

Бир марта картошка, икки марта картошка — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун.

Ракеталар отилмасин — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Жоду орол — «ЕШ ГВАРДИЯ (кеч соат 8-20 минут ва 10 да).

ЭЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 яримда бошланади)

Боксчи ва ўлим — «ФЕСТИВАЛЬ».

Жоду орол — КАФАНОВ номли.

Денгиз қандай экан — «ХИВА».

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

1965/66 ЙИЛ МАВСУМИНИНГ

ОЧИЛИШИ

14/IX да — **Дилором.**
15/IX да — **Мирандолина.**
16/IX да — **Аида.**
17/IX да — **Хоразм қўшиғи.**
18/IX да — **Борис Годунов.**